В частности, среди стран Содружества Независимых Государств действует Соглашение о защите участников уголовного судопроизводства (Минск, 28 ноября 2006 года), ратифицированное Азербайджаном, Арменией, Белоруссией, Казахстаном, Кыргызстаном, Россией и Украиной.

Узбекистан не является участником этого Соглашения.

Анализ положений данного Соглашения показало ряд специфических положений, которые не предусмотрены в законодательстве Узбекистана.

В частности, законодательством Узбекистана не предусмотрена мера защиты, связанная с изменением внешности, тогда как Соглашением такая мера предусмотрена.

Или же, перечень защищаемых лиц, предусмотренных в подпункте «б» статьи 1 Соглашения, не соответствуют перечню участников уголовного процесса, указанных в УПК РУз. В частности, если в УПК РУз «частные обвинители» не предусмотрены в качестве участников уголовного процесса, то в Соглашении не указаны такие участники, как общественный обвинитель и общественный защитник.

Учитывая повышенную опасность транснациональной организованной преступности, и понимая, что борьба с ней в пределах отдельного государства не всегда приводит к достаточно эффективным результатам, полагаем целесообразным ратификацию Узбекистаном Соглашения о защите участников уголовного судопроизводства.

1 Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О ратификации Конвенции Организации Объединенных Наций Против транснациональной организованной преступности» от 30 августа 2003 г., № 536–II. – <http://lex.uz/docs/1328109>.



Список использованной литературы:

1. Конституции Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года – <http://lex.uz/docs/35869>.
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан, утвержденный Законом Республики Узбекистан от 22 сентября 1994 года № 2013–ХП. – <http://lex.uz/docs/111460>.
3. Закон Республики Узбекистан от 14 января 2019 года «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса» № ЗРУ–515 – http://lex.uz/search/nat?actnum=515&KeepSortOrder=False&form_id=3968.
4. Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан «О ратификации Конвенции Организации Объединенных Наций Против транснациональной организованной преступности» от 30 августа 2003 г., № 536–П. – <http://lex.uz/docs/1328109>.
5. Афонин В.К. Правовое и организационное обеспечение участия понятых в досудебном производстве по уголовным делам: дисс. ... канд. юрид. наук / В.К. Афонин. – Люберцы, 2012. с. – 116.
6. Дмитриева А.А. Поводы и основание принятия решения о применении уголовно-процессуальных мер безопасности к участникам досудебного уголовного судопроизводства // Вестник ЮУрГУ. Серия «Право». 2016. Т. 16, № 1, с. 52-53.
7. Железняк Н.С. Процессуальные возможности использования конфидентов как свидетелей по уголовному делу: метод. рекомендации для сотрудников криминальной милиции, дознавателей, следователей, работников суда и прокуратуры / Н.С. Железняк, С.П. Новосельцев. – Красноярск: Изд-во СибЮИ МВД России, 2000. – с. 7.
8. Сторожева А.Н. Понятой в российском уголовном судопроизводстве: дисс. ... канд. юрид. наук / А.Н. Сторожева – Красноярск, 2006. с. – с. 177.
9. Сторожева А.Н. Актуальные вопросы правового обеспечения безопасности понятого в уголовно-процессуальном законодательстве / Вестник КрасГАУ. 2006. № 11 – с. 438.



TERRORIZM TARIXDAN KELAJAKGACHA

Abdullajonova Afruza Azamat qizi

Namangan viloyat yuridik texnikum o'quvchisi
aabdurasulov536@gmail.com

Annotatsiya. Men bu maqolam orqali Terrorizmni naqadar yomonligi, uning salbiy oqibatlarini ko'plab insonlarga zarar yetkazishi mumkinligini ochib berishga harakat qildim. Terrorizm vakillari o'zlariga dinni niqob qilib olib ko'plab qabix jinoyatlarni amalga oshirayotganini yoritib berishga harakat qilganman.

Kalit so'zlar: Terror, Ivan III, Varfolemey, Protestant Usoma bin Lo'din, Jihod, ISHID.

Bir necha yuz yillardan beri butun dunyoni qo'rqitib tahlikaga solib larzaga keltirayotgan narsalardan biri bu terrorizmdir. Terrorizimning lug'aviy ma'nosi “qo'rqitish”, “daxshatga solish” degan ma'noni anglatadi. Terrorizmdan qadimgi davrlardan beri Qirollar, Papalar, alohida tashkilotlar, yoki turli xildagi birlashgan guruhlar foydalanib keladi. Misol uchun aytishimiz mumkinki Rossiyada davlat yuksalayotgan paytlarda hukmdorlaridan biri Ivan III o'zining oprichnina siyosati orqali boyarlar hokimiyatini kamaytirish maqsadida o'ziga hos terrorizmni qo'llagan. Rim Papalari ham o'zining boshqaruvi davrida ko'plab marotaba terrorizmni qo'llagan. Bunga yaqqol misol qilib aytishimiz mumkinki Rim Papalaridan biri Varfoley Mey o'zining boshqaruvi davrida terrorni amalga oshirgan. U 1572-yil Protestantlarga nisbatan qirg'in o'tkazilgan. Rim Papasi Varfolemey o'zining yaqin sarkardalaridan hisoblangan Ignaty Layolaga protestantlarni o'ldirishni buyuradi. U atiga 3 kun ichida 10 000 ortiq protestant xalqini o'ldiradi. Bu xodisa tarixga “Varfolemey tuni” nomi bilan kiradi. Qadimda eng katta hududlarni mustamlakaga aylantirgan Buyuk Britaniya, Fransiya, Rossiya, AQSH kabi qudratli davlatlar ham o'zining mustamlakalariga nisbatan ko'plab marotaba terrorlarni qo'llagan. Nafaqat qadimda balki hozirgi kunlarda ham terroristik harakatlar olib borilmoqda. 1990-yillardan boshlab ayniqsa terroristik aktlar ko'paygan. Bu ishlarni amalga oshirayotgan guruhlardan eng mashxurlaridan biri hisoblanga “Al-Qoida” guruhi ham faol ishtirok etmoqda. Bu guruh 2005-yilda Buyuk Britaniyada 20 dan ortiq qo'poruvchilik ishlarini olib bordi. Bu aktlarda ko'plab insonlar halok bo'ldi. Bu guruhga Usoma Bin Lo'din boshchilik qiladi. U “Jihod xalqaro fondi”ni tashkil qilgan. Lo'din butun dunyo bo'yicha terroristik harakatlarni rag'batlantiradi. Terroristik harakatlar asosan yaqin sharq davlatlarida avj olgan. Bu yerlarda tarqalgan terroristik harakatlarni amalga oshiradigan guruh ISHID hisoblanadi. ISHID so'zi ham aynan shu yaqin sharqdagi davlatlar nomidan olingan lug'aviy ma'nosi esa Iroq Shom islom davlatlar degani. Bu tashkilot asosan Suriya, Iroq, Afg'oniston singari davlatlarni rivojlanishiga to'siq bolib kelmoqda. 2021-yilda butun dunyo nigohida terrorchi sifatida tanilgan guruhlardan biri Tolibonlar guruhi Afg'onistonni to'liq egallab oldi. Ular Afg'oniston hududida Afg'on Islom Amirligi deya nom olgan davlatni tuzishdi. Nafaqat yaqin sharq hududida undan tashqari Yevropa va Amerika qit'alada ham terrosistik aktlar uyushtirib kelinmoqda. Bu aktlardan eng mashxuri 2001-yil 11-sentabrda AQSh hududida uyushtirilgan. Terroristik guruhlardan biri tashkil qilgan bu harakadta Jahon savdo markaziga samalyot kelib urilgan va buning natijasida ko'plab insonlar halok bo'ldi va ulardanda ko'pi tan jarohat oldi. Bu voqealarni esa hech qaysi terroristik guruh o'z bo'yniga olmadi. Bu jahon etirof etgan ulkan falokat edi. Bularidan ko'rinib turibdiki hech qaysi terroristik harakatning oxiri yaxshilik bilan tugamaydi. Shu voqealardan hulosa chiqargan holda terroristik harakatlar yomon oqibatlarga kelishini his qilaylik. Bu yovuzliklar xalqlar hotirasiga abadiy muhrlanishini va hech qaysi millat bu qabixliklardan yaxshi bo'la omasligini bilib olaylik. Shuningdek biz yoshlar tinch va ozod vatanda yashayotganligimizdan faxrlanmog'imiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 11-sinf jahon tarixi darsiligi. Birinchi nashr” 2018 . Muallif: Shuxrat Ergashev , Begzod Xodjayev , Jamshid Abdullayev.
2. 8-sinf Jahon tarixi. Qayta ishlangan va to'ldirilgan to'rtinchi nashr, Toshkent-2019. Muallif: R.Farmonov, U.Jo'rayev, Sh.Ergashev.
3. O'zbekiston Respublikasi gazetalari.



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЛАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ ТАВСИФИ

Комилжонов Д.К.

Бош прокуратура Академияси
“Коррупцияга қарши кураш” йўналиши
магистратура тингловчиси
email:komiljonovadilobar@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва хориж мамлакатлари давлат хизматлари соҳасида учрайдиган турли хил коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг кўринишлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, коррупциянинг кўринишлари, манфаатлар тўқнашуви, непотизм, кронизм, патронаж, актив, пассив коррупция, майда, катта коррупция, клептократия, клиентелизм.

Аннотация. В статье проводится научно-теоретический и практический анализ различных виды коррупции на государственной службе Республики Узбекистан и за рубежом.

Ключевые слова: государственная служба, виды коррупции, конфликты интересов, кумовство, кронизм, покровительство, активная, пассивная коррупция, мелкая, крупная коррупция, клептократия, клиентелизм.

Abstract. The article scientifically, theoretically and practically analyzes the forms of various corruption offenses in the field of civil service of the Republic of Uzbekistan and foreign countries

Keywords: civil service, forms of corruption, conflicts of interest, nepotism, cronyism, patronage, active, passive corruption, petty, grand corruption, kleptocracy, clientelism.

Бугунги кунда коррупция деярли барча давлатлар учун жиддий ва долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг муқаддимасида “коррупция жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган, демократик институтлар ва қадриятларга, ахлоқий қадриятлар ва адолатга путур етказадиган ҳамда барқарор ривожланиш ва қонун устуворлигига зарар етказувчи, фуқаронинг давлатда бўлган ишончи йўқолишига, жиноятчилик авж олиб, хуфиёна иқтисодиёт кўрсаткичи ошишига олиб келадиган муаммо эканлиги” қайд этилган.¹ Шунингдек, коррупция энди фақат муайян бир ҳудуднинг муаммоси бўлмай, балки барча мамлакатлар жамияти ва иқтисодиётига таъсир қилувчи трансмиллий ҳодисага айланган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: ҳозирда коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши кескин курашиш, бу борада давлат органлари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳам қатъий ҳаракат қилиши лозим. Шу мақсадда, давлат бошқарувида коррупциянинг олдини олишда давлат хизматчиларини очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш, давлат маълумотларини оммага эълон қилиш, очиқ маълумотлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.²

Ўзбекистонда давлат хизматининг муайян соҳалари коррупция ўчоғи бўлиб қолмоқда. Чунончи, бу бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, давлат фуқаролик хизматининг қурилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари коррупция энг кўп содир бўладиган (75,3%) биринчи даражали соҳалар ҳисобланади, ундан кейинги ўринларда давлат харидлари, маъмурий тартиб-таомиллар бўйича ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш тармоқлари (38,4%) етакчилик қилмоқда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида коррупция кўрсаткичи 26%ни ташкил этмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан 2020-йил давомида коррупция билан боғлиқ (Жиноят кодекси 205-214, 243-моддалари) жами 2 270 нафар шахсга нисбатан 1 502 та жиноят иши қўриб чиқилган. Шундан 2 203 нафар шахсга нисбатан 1 457 та жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилган. Жумладан, 80 нафар шахсга нисбатан 59 та жиноят иши боғйича оқлов ҳукми; 2 123 нафар шахсга нисбатан 1 398 та иш

1 “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003-йил 31-октябрь).

2 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 25.01.2021.



бўйича айблов ҳукми чиқарилган; 67 нафар шахсга нисбатан 45 та жиноят иши тугатилган.¹

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси берган ахборотномага кўра 2021-йил давомида 2345 та жиноят иши бўйича 2804 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилган. Улардан 16 нафари республика, 241 нафари вилоят ва 2547 нафари туман (шаҳар) вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимларидир. 2021-йил микёсида: ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилган (1741 нафар), фирибгарлик (269 нафар), мансаб ваколатини суиистеъмол қилган (168 нафар), пора олган (153 нафар), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққан (42 нафар), мансаб сохтакорлиги каби жиноятларни содир этган (41 нафар), пора берган (12 нафар), мансабга совуққонлик билан қараган (25 нафар) ва бошқа жиноятлар содир этган (378 нафар) мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Ўз фаолиятини суиистеъмол қилиш натижасида давлат ва жамият манфаатларига 913,7 млрд сўм миқдорида зарар етказилган, дастлабки тергов жараёнида 714,8 млрд сўм ундирилган.²

“Коррупция” тушунчаси этимологиясига қисман тўхталадиган бўлсак, коррупция (лотинча *corruptio* — зарар, бузилиш, пора эвазига оғдириб олиш), мансабдор шахс томонидан о‘зига берилган мансаб ваколатларидан шахсий бойиш мақсадида бевосита фойдаланишдан иборат жиноят.³ Айрим манбаларда эса “коррупция” (лотинча *corruptio* — бузилиш, айниш, таназзул) - мансабдор шахснинг о‘зига ишониб топширилган ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаат ё‘лида, белгиланган қонун ва қоидаларга зид равишда фойдаланиши назарда тутилади.⁴

Жаҳон микёсида Transparency International ташкилотининг “коррупция”га берган таърифи кўплаб давлатлар томонидан умумеътироф этилган. Унга кўра: коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида ишониб топширилган ваколатларни суиистеъмол қилиш ҳисобланади.⁵ Ушбу қисқача таърифни Коррупцияга қарши конвенцияда ҳам учратиш мумкин. Жаҳон Банки ҳам шунга ўхшаш таъриф берган, бироқ Transparency International берган таърифдан фарқи, унда коррупциянинг давлат секторида оммавий мансабдор шахслар томонидан содир этилишига урғу берилган бўлса, Transparency International берган таърифта эса давлат сектори билан бир қаторда хусусий секторда ҳам коррупция содир этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Рус ҳуқуқшунос олими Куракин айтишича, “коррупция” бу - мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, тижорий мақсадда пора бериш ёки жисмоний шахс томонидан пул шаклида наф олиш мақсадида ўз мансаб мавқеидан жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид бўлган тарзда қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, қимматбаҳо буюмлар, мулкӣ хусусиятдаги мол-мулк ёки хизматлар, мулкӣ ҳуқуқлар ёки бошқа шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар эвазига шахсга муайян имтиёзларни қонунга ҳилоф равишда тақдим этишдир.⁶

Ўзбек ҳуқуқшуносларидан Н.Муродов бу борада тўғри таъкидлаган эди: бизда жамият вакиллари “коррупция” деса фақат пора олиш-бериш каби жиноятларни тушунишади, ваҳоланки, коррупция тушунчаси жуда кенг бўлиб, пора олиш-бериш унинг кичик бир кўриниши ҳисобланади. Коррупция билан бирга шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган, адолатсизлик муҳитини шакллантириб, ҳеч бир сабабсиз ортиқча ноқонуний имтиёзлар яратиш каби ҳолатларни вужудга келтирадиган “манфаатлар тўқнашуви” ҳам мавжуд.⁷ Шу ўринда айтиш жоизки, “коррупция” ва “манфаатлар тўқнашуви” бошқа-бошқа тушунчалар бўлиб, бироқ бир-бири билан боғлиқдир. Манфаатлар тўқнашуви юз берган вазиятда коррупция мавжуд бўлмаслиги мумкин, бироқ

1 <https://yuz.uz/uz/news/korruptsiyaviy-jinoyatlar-statistikasi-elon-qilindi>

2 О‘zbekiston Respublikasi Bosh Prokuratura Axborotnomasi, “Mansab bilan bog‘liq jinoyatlarning statistikasi”

3 <http://kamadm.ru/anticorruption/media/2018/8/3/korruptsiya-ponyatie-vidyi-istoriya-poyavleniya-i-razvitiya>.

4 <http://ru.wikipedia.org/wiki/Korrupsiya>.

5 <https://www.transparency.org/en>.

6 Куракин А.В. Административно-правовые аспекты юридической ответственности в механизме противодействия коррупции в системе государственной службы Российской Федерации//NB: Административное право и практика администрирования. 2013. № 7. С. 137.

7 <http://uza.uz/uz/society/korruptsiyaga-doir-t-iz-asosiy-masala--25-06-2019>.



манфаатлар тўқнашувининг олди олинмаса, кейинчалик коррупцияга айланади. Лекин кўп ҳолларда коррупциянинг келиб чиқиш ўзаги остида “манфаатлар тўқнашуви” ётади.

Коррупциянинг кўринишлари хилма-хил, жумладан, порахўрлик, фаворитизм (хайрихоҳлик), непотизм (қариндош-уруғчилик), протексионизм, лоббизм, давлат мулкани талон-торож қилиш, ноқонуний хусусийлаштириш, сиёсий тузилмаларни (сиёсий партияларни) ноқонуний қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш, асоссиз имтиёзли кредитлар, буюртмалар бериш, давлат ресурсларидан (товар, хизмат, даромад манбалари) фойдалана олиш учун шахсий алоқалардан фойдаланиш, имтиёзлар, яъни қариндошларга, дўст ва танишларга турли хизматларни кўрсатиш каби кўринишлари мавжуд.¹

Инглиз ҳуқуқшунос олими А.Граусар ҳам коррупциянинг бир қанча кўринишларини санаб ўтади: порахўрлик, кикбек (kickback - орқага қайтариш), фасилитация тўловлари (facilitation payments), фирибгарлик, товламачилик, сексторция, ўзлаштириш ва растрата, савдо-сотикқа таъсир қилиш (trading in influence), непотизм, клиентелизм, патронаж, манфаатлар тўқнашуви, давлатни қўлга киритиш (state capture), клептократия, майда коррупция, маъмурий коррупция, катта коррупция (grand), сиёсий, систематик, спорадик, актив, пассив коррупция, талаб қилувчи ва етказиб берувчи тараф каби коррупция турлари мавжуд. Эндиликда уларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтамиз.²

Порахўрлик – давлат хизматчиси ёки мансабдор шахс ўзининг ёки бошқа бировнинг манфаатларини кўзлаб, бевосита ёки билвосита пора олиши, ваъда қилиши ёки пора олишга розилиги, пора талаб қилиши ёхуд пора олишга таъмагирлик қилиши каби ҳаракатлардан иборат. Пора - мансабдор шахс томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб қилинган ёки қилиниши керак бўлган хатти-ҳаракати (ёки аксинча ҳаракатсизлиги) учун қабул қилинган моддий бойликдир. Порахўрликнинг актив ва пассив шакллари мавжуд. Коррупцияга қарши конвенцияга кўра пора беришга ваъда бериш, таклиф қилиш, тақдим этиш – актив порахўрлик ҳисобланиб, тугалланган жиноят таркибини беради. Пассив порахўрлик – порани қабул қилиш, пора олишга розилик бериш кабиларни ўз ичига олади ва тугалланган жиноят ҳисобланади.

Конвенцияга кўра актив ва пассив порахўрликдан ташқари, талаб қилувчи тараф (demand-side) ва таъминловчи тараф (supply-side) каби порахўрлик шакли назарда тутилган. Demand-side – пора талаб қилаётган ёки уни олган тараф, supply-side пора таклиф этаётган ёки тақдим этган тараф ҳисобланади.³ Кўп ҳолларда белгиланган қийматдан ошиқча берилган совға ҳам пора ҳисобланади, совға қиймати Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт стерлинг (250\$), АҚШда 50\$, Россияда 3000 рублдан ошмаслиги белгиланган.⁴

Кикбек (kickback – орқага қайтариш) – ноқонуний хизмат кўрсатилгандан сўнг муайян ҳақ тўлаш шаклида содир этилади. Масалан, кўча сотувчиларига улар кўчанинг муайян қисмида савдо-сотик қилишларига ноқонуний рухсат берган органга ҳар ойда кичикроқ тўловларни амалга ошириш бунга мисол бўлади. Ёки мансабдор шахс давлат номидан хизмат кўрсатиш, маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузаётганда тендер шартларига риоя қилмай муайян бир компанияни хизмат кўрсатувчи сифатида танлайди, натижада мазкур компания шартнома муддати давомида мансабдор шахсга имтиёз бергани учун муайян миқдорда ҳақ тўлайди.

Клептократия – юнонча “ўғрилар ҳукмронлиги”, коррупциялашган ҳукумат, фирибгарлар томонидан бошқариладиган ҳокимият, ундаги раҳбарлар давлат ва халқ мулкани бемалол талон-торож қиладилар (автократик режим), уларга нисбатан ҳеч қандай жавобгарлик механизми мавжуд эмас. Индонезиядаги Сухарто бошқарув режимини бунга мисол қилсак бўлади.

Лоббизм – ҳукумат, парламент томонидан чиқарилган қарор, қонунларга ўз манфаатлари йўлида таъсир қилиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият. Масалан, муайян гуруҳдаги фуқаролар ёки тадбиркор шахслар мансабдор шахс парламентга сайланишига ўз

1 Э.И. Атагимова. “Государственному служащему о коррупции”. Москва-2015

2 A. Graycar . Awareness of corruption in the community and public service: A Victorian study. Australian Journal of Public Administration. 73(2): 2014;

3 “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003-йил 31-октябрь) <https://www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/>

4 <https://www.arkh-edu.ru/anticorruption/detail.php?ID=163883>



овозини берадилар, натижада мансабдор шахслар қонун ҳужжатлари қабул қилишда, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда муайян тоифадаги шахсларнинг манфаатларини ўйлаб қарор қабул қилади. Лоббистлар ўзлари сайлаган ёки тайинланган мансабдор шахсга керакли маълумотларни алмашиб туриш йўли билан ўз манфаатларига мос қарорлар қабул қилинишига таъсир қиладилар, хорижий мамлакатларда лоббизмлик қонуний фаолият ҳисобланиб, лоббистлар бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар рўйхати қонунда белгиланган.¹

Осонлаштирувчи тўловлар (facilitation payments) – расмийлаштириш, рухсатномалар олиш учун белгиланган муддатларни сунъий тезлаштириш мақсадида амалга ошириладиган қўшимча тўловлар. Кўп хорижий давлатларда қонунда кўрсатилган муддатларни қонуний манфаатлар йўлида тезлаштириш, яъни қонуний фаолият жараёнини тезлаштириш учун тўланган пора учун жиноий жавобгарлик қўлланилмайди.²

Фаворитизм (хайрихоҳлик) - мансабдор шахс томонидан фуқароларга, уларнинг қариндош, таниш, дўст эканлиги ёки ижтимоий, диний, сиёсий қарашларидан келиб чиқиб ноқонуний имтиёзлар бериш, хизматлар кўрсатиш. Фаворитизмнинг бир кўриниши непотизм деб аталади. Непотизм – қариндошлик, оилавий муносабатлардан келиб чиқиб қариндошлик алоқасида бўлган шахсларга ноқонуний имтиёз, афзалликлар бериш, масалан, ишга қабул, лавозимини оширишда қонуний шартларни четлаб ўтиб, қариндошлик муносабатидаги шахсларни ишга қабул қилиш, лавозим даражасини ошириш кабилар бунга мисол бўлади. Худди шу имтиёзлар, афзалликлар дўстларга, ҳамкасбларга, танишларга нисбатан қўлланилса, у кронизм деб аталади.³

Фирибгарлик – бировнинг мулкига, мулкый ҳуқуқларига эгалик қилиш учун алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш, мансабдор шахслар томонидан коррупсион жиноятлар қаторида фирибгарлик, кўпинча, мулк ўғрилангандан сўнг уни яшириш учун ҳужжатларни сохталаштириш, қалбакилаштириш шаклида амалга оширилади.

Хорижий манбаларга кўра товламачилик (биронинг мулкни дўқ-пўписа ишлатиб, қўлга киритиш), сексторция – жинсий манфаатга эришиш учун ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш кабилар ҳам коррупциянинг кўринишлари ҳисобланади.⁴

Ўзлаштириш (растрата) – расмий лавозимни эгаллаган шахсга (масъул мансабдор шахсга, васий, вакилга) қонуний тарзда ишониб топширилган мулкни ўзи ёки ўзга шахс манфаати йўлида талон-торож қилиниши. Бухгалтерларга пул билан муомала қилишга рухсат берилгани учун ишониб топширилган пул маблағларининг улар томонидан талон-торож қилиниши ўзлаштириш ҳисобланади.

Клиентелизм – “кучли ҳомий” ва “заиф мижоз” ўртасидаги норасмий эксплуатациявий характерга эга (ресурс, имтиёзлардан фойдаланиш) ўзаро манфаатли муносабатлар тизими. Расмий бошқарув тузилмалари ўз вазифаларини бажармаганликлари натижасида жамиятнинг ҳимояга, ёки бирор ресурсга муҳтож қисми уларни ҳомийликка чакиради. Масалан, “ҳомий” сифатида сайланган депутат билан унга овоз берган ва сайловда ютиб чиқишига кўмаклашган сайловчилар (ресурсга муҳтож оддий халқ) ўртасидаги муносабат бунга мисол бўлади. Ҳомий сайловчиларга мукофот сифатида улар муҳтож бўлган ресурсларни уларга тақдим этади.

Патронаж (ҳомийлик) – ҳукуматга кадрларни ишга қабул қилишда, лавозим даражасини оширишда, меҳнат шартномасини тузишда фойдаланиладиган ҳомийлик. Ҳокимият ваколатини, ноқонуний бойлик орттиришга ҳамда ҳомийлик натижасида статус даражасини оширишга бўлган иштиёқ ҳомийни руҳлантиради.⁵

Майда коррупция – (“маъмурий” ва “бюрократик” деб ҳам аталади) коррупциянинг бу кўриниши жамоатчилик ўртасида кундалик тарзда содир этилади. Пора микдори нисбатан камроқ қийматга эга бўлади, масалан, болани боғчага навбатсиз қабул қилишлари учун пора бериш.

1 <https://www.arkh-edu.ru/anticorruption/detail.php?ID=163883>

2 <https://www.u4.no/terms#bribery>

3 <https://www.u4.no/terms#bribery>

4 A. Graycar, T. Prenzler. Understanding and preventing corruption. 2013; Palgrave Macmillan: Basingstoke, UK [Crossref].

5 <https://www.u4.no/terms#bribery>



Гранд коррупция – майда коррупциядан фаркли ўлароқ, ҳокимиятнинг юқори поғонасида содир бўлиб, бунинг натижасида мансабдор шахслар катта фойдага эга бўладилар, фуқаролар ва давлат манфаатларига эса жиддий зарар етади. Масалан, давлат бюджетидан миллионлаб пулларни талон-торож қилишда йирик коррупция содир этилади.

Сиёсий коррупция – тор маънода сиёсий партияларни молиялаштиришда ва сайлов компанияларида сиёсий институтлар ва қоидаларни манипуляция қилиш жараёнида амалга оширилади, кенгроқ маънода эса “йирик коррупция” ҳукуматнинг энг юқори поғонасида содир бўладиган коррупциянинг бир кўриниши бўлиб, сиёсий фаолиятда, сиёсий қарорлар қабул қилиниш жараёнида ҳам содир этилади.¹

Маъмурий коррупция – раҳбар лавозимидаги амалдор билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган коррупция тури. Масалан, фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжатни олиш учун келганда, тўланиши шарт бўлган йиғимдан ташқари норасмий тўловни ҳам амалга оширган тақдирда мансабдор шахс фуқарога хизмат кўрсатади.

Системали коррупция (ендемик деб ҳам аталади) – тизимли коррупция бу давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тизимининг ажралмас қисми бўлган, шу сабабли, фуқаролар бу соҳаларга мурожаат қилганда коррупциядан холи бўла олмасликлари мумкин. Масалан, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида коррупциянинг системали шакли мавжуд.

Спорадик коррупция – тизимли коррупцияга зид бўлиб, муайян соҳада мунтазам содир этилмайди, бу кўриниш вазиятдан келиб чиқиб тўсатдан юзага келади ҳамда иқтисодиётга, жамият манфаатларига жиддий зарар етказмайди, бироқ инсонлар психологиясига, ва моддий аҳволига оз бўлса-да таъсир этади.

АҚШ да коррупциянинг кенг тарқалган шакли бу “kickbacking”. Унинг схемаси оддий: тил бириктирувчи шахслар оғзаки тарзда муайян қийматда битим тузишга келишадилар ва аслидан кўра юқори бўлган нархларда расмий тарзда битим имзолайдилар, нархлардаги фарқнинг бир қисми битим тузишга рухсат берган мансабдор шахсга ўтказилади, яъни яширин пора берилади.²

Рус олими В.В.Филиппов коррупцияни “қаттиқ” ва “юмшоқ” турларга ажратади. Қаттиқ коррупцияга (аниқ, яққол билиниб турган) мансабдор шахсларнинг порахўрлиги билан боғлиқ жиноятлар кирса, юмшоқ коррупция эса ноаниқ шаклда бўлади, масалан, фаворитизм, лоббизм, непотизм, кронизм, маҳаллийчилик (местничество), уруғ-аймоқчилик (клановость) кабилар бунга мисол бўлади.³ Юмшоқ коррупциянинг энг кенг тарқалган шакли – фаворитизм бўлиб, у қариндошларга, танишларга, маълум бир сиёсий партияга аъзолигига, ижтимоий аҳволига, диний эътиқоди ва бошқа хусусиятларига қараб хизматлар кўрсатиш, имтиёзлар бериш тушунилади. Юмшоқ коррупциянинг маҳаллийчилик (местничество) ва уруғ-аймоқчилик (клановость) кўринишлари ҳам кўп учрайди. Маҳаллийчилик деганда – муайян шахсларни уларнинг насл-насаби, аждодлари эгаллаб келган лавозимларига қараб ҳокимият лавозимида тайинлаш тартиби тушунилади. Уруғ-аймоқчилик – давлат ҳокимият органлари тизимини шакллантириш асоси, масалан, муайян вазирлик тизимида раҳбардан тортиб давлат хизматчисигача қариндошлик, уруғ-аймоқчилик муносабатида бўлиши бунга мисол бўлади.

Рус ҳуқуқшунос олими Д.Иляков давлат хизматлари тизимида коррупциянинг кўринишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтган:⁴

- бюджет маблағларини тақсимлашдаги коррупция, давлат харидлари соҳасидаги фирибгарлик, корхоналарни ноқонуний хусусийлаштириш;
- табиий ресурсларни назорат қилиш соҳасида мансаб ваколатларидан фойдаланиш;
- паст фоиз ставкаларида кредит олиш, кредит қарзларини қайтариб бермаслик, хуфиёна иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш;
- порахўрлик, ноқонуний бойлик орттириш, товламачилик;
- давлат ресурслари ва маблағларини ўғирлаш ва хусусийлаштириш;

1 <https://www.arkh-edu.ru/anticorruption/detail.php?ID=163883>

2 U Myint, “Corruption: Causes, Consequences, and Cures”, Asia-Pacific Development Journal Vol. 7, No. 2, December 2000.

3 Филиппов В.В. Правовое регулирование конфликта интересов в системе государственной службы США Криминологический журнал байкальского государственного университета экономики и права. 2010.

4 https://kpfu.ru/docs/F769475982/2_Xalil_korub.



- қариндош-уруғчилик (непотизм) ёки таниш-билишчилик (кронизм), фаворитизм (қариндош ва дўстларни лавозим ва мансабга тайинлаш);
- муаммони ҳал қилишни тезлаштириш учун совға қабул қилиш;
- сайловдаги ҳуқуқбузарликлар (овозларни сотиб олиш, сайлов натижаларини бузиб кўрсатиш);
- клиентелизм (мижозлик) ва патронаж (ҳомийлик) (сиёсатчилар фуқароларга ўзларини қўллаб-қувватлашлари эвазига моддий хизматлар кўрсатадилар);

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, манфаатлар тўқнашуви ҳам коррупциянинг бир кўриниши бўлиб, кўп ҳолларда, коррупциядан олдин юз беради. Манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш коррупциянинг юзага келишини олдини олишга хизмат қилади. Манфаатлар тўқнашуви фактининг ўзи жиноий жавобгарликка сабаб бўлмай, бир қатор ҳолларда маъмурий, интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради. Юқорида миллий ва хорижий олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб айтишимиз мумкинки, коррупция давлат хизматлари фаолиятида хилма-хил кўринишларда содир этилади. Жорий қонунчиликда коррупциявий жиноятларнинг қатъий рўйхати расмий ҳолда шакллантирилмаганлиги боис коррупциявий жиноятларга нисбатан махсус қўлланиладиган оғирлаштирилган нормаларни қўллашда муаммолар юзага келиши тайин. Коррупциянинг кўринишларига оид махсус нормалар “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаганлиги сабабли биз фақат олимларнинг илмий доктриналарига, қарашларига, ғоя ва фикрларига таянишимиз мумкин. Давлат хизматлари коррупция кенг авж олган соҳа ҳисобланади, ваҳоланки, давлат хизматлари тизими орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланади, шу боис, давлат фуқаролик хизматларида коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураша оладиган самарали механизмни шакллантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 25.01.2021;
2. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003-йил 31-октябрь);
3. Куракин А.В. Административно-правовые аспекты юридической ответственности в механизме противодействия коррупции в системе государственной службы Российской Федерации//НБ: Административное право и практика администрирования. 2013. № 7. С. 137;
4. Э.И. Атагимова. “Государственному служащему о коррупции”. Москва-2015;
5. A. Graycar. Awareness of corruption in the community and public service: A Victorian study. Australian Journal of Public Administration. 73(2): 2014;
6. A. Graycar, T. Prenzler. Understanding and preventing corruption.; Palgrave Macmillan: Basingstoke, UK [Crossref] 2013;
7. U Myint, “Corruption: Causes, Consequences, and Cures”, Asia-Pacific Development Journal Vol.7, No.2, December 2000;
8. Филиппов В.В. Правовое регулирование конфликта интересов в системе государственной службы США // Криминологический журнал байкальского государственного университета экономики и права. 2010;
9. https://kpfu.ru/docs/F769475982/2_Xalil_korub;
10. <https://www.arkh-edu.ru/anticorruption/detail.php?ID=163883>.



ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ГОСУДАРСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ

Худжамова Камола
Докторант (PhD) Университета
Мировой Экономики и Дипломатии
Телефон 998977454396

АННОТАЦИЯ: В статье рассмотрены вопросы использования информационно-коммуникационных технологий в государственном управлении. А также, опыт передовых государств и их основные выводы и рекомендации в этой сфере.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: государство, использования информационно-коммуникационных технологий, новые вызовы, опыт стран.

Действительно на современном этапе развития государства и права широкое распространение и постоянное развитие информационно-коммуникационных технологий оказывают значительное влияние на все сферы общественных отношений, в том числе на процессы управления и взаимодействия людей в государственном и негосударственном секторах. Новые технологии изменяют способы взаимодействия людей и организации их деятельности, позволяют создавать новые виды продукции, ведут к качественным изменениям в экономике и социальной сфере. Такие изменения в литературе получили название «цифровая трансформация» – совокупность изменений в обществе, связанных с внедрением (освоением) современных информационных технологий (цифровых технологий).

Представляет практический интерес и опыт **Австралии** в использовании современных технологий для оценки результативности профессиональной служебной деятельности государственных гражданских служащих. Так, для повышения качества кадровой работы со служащими, чья деятельность не соответствует требованиям результативности, в Австралии было запущено специальное мобильное приложение, с помощью которого служащим ежедневно задается новый вопрос, связанный с прохождением службы. Таким образом, постепенно приложение повышает квалификацию служащего и создает условия для более высокой результативности его деятельности¹.

В **США** также используется специальное программное обеспечение (**USA Performance**) для оценки результативности профессиональной служебной деятельности федеральных государственных служащих. Данное программное обеспечение предназначено для внедрения управления по результатам на индивидуальном уровне для старших государственных служащих (т.е. государственных служащих высшего звена) и для иных категорий государственных служащих. Программное обеспечение позволяет автоматизировать процесс планирования, мониторинга и оценки результативности профессиональной служебной деятельности на всех этапах управленческого цикла. Так, органы власти с помощью данного программного продукта разрабатывают и утверждают в электронном виде планы результативности деятельности государственных гражданских служащих и осуществляют мониторинг их исполнения, направляют «обратную связь» и проводят оценку. Оптимизируя процесс планирования, мониторинга и оценки результативности профессиональной служебной деятельности, программное обеспечение позволяет органам власти уделять основное внимание результатам, а также обеспечивать управление результативностью в режиме реального времени.

Анализ приведенных выше примеров позволяет сделать следующие общие выводы о влиянии цифровых технологий на инструменты и механизмы управления по результатам в зарубежных странах.

Во-первых, несмотря на определенный пессимизм по поводу перспектив существования концепции «нового государственного управления» в цифровую эпоху, похоже, что

1 Добролюбова Е.И. Государственное управление по результатам в эпоху цифровой трансформации: обзор зарубежного опыта и перспективы для России. Электронный ресурс – <https://vgmu.hse.ru/data/2018/12/19/1143373221/%D0%94%D0%BE%D0%B1%D1%80%D0%BE%D0%BB%D1%8E%D0%B1%D0%BE%D0%B2%D0%B0%204-2018.pdf>



элементы данной концепции, связанные с управлением по результатам, переживут «новое государственное управление» и найдут свое применение в формируемых концептуальных подходах к государственному управлению в XXI в. Этот вывод подтверждается и эмпирическими данными, свидетельствующими о сохранении практик и принципов управления по результатам в странах ОЭСР.

Во-вторых, внедрение цифровых технологий может рассматриваться как инструмент совершенствования сложившихся практик и процедур управления по результатам, в том числе решения выявленных ранее проблем. Так, использование при мониторинге и оценке деятельности органов власти, реализации отдельных программ и проектов **«больших данных»**, в том числе формируемых с использованием **«Интернета вещей»**, позволяет решить проблемы, связанные с манипуляцией данными при проведении оценки, а также с существенным временным лагом между окончанием отчетного периода и появлением данных, характеризующих результаты. Данные проблемы неоднократно отмечались среди важных ограничений при внедрении управления по результатам как в российской, так и в зарубежной практике.

Проблема манипулирования данными обусловлена избыточным использованием административных данных, формируемых органом власти, для оценки его собственной деятельности: при проведении оценки орган власти заинтересован в искажении фактических значений показателей «в свою пользу». Применение «больших данных» и «Интернета вещей» позволяет решить эту проблему, поскольку эти технологии обеспечивают полную независимость данных от органа власти, а также лишены недостатка, присущего официальной статистике: данные цифровой эпохи доступны практически сразу после окончания отчетного периода либо в онлайн-режиме. Для исключения последующего изменения данных могут быть использованы технологии распределенного реестра. При принятии решений, планировании, мониторинге и оценке деятельности частично решить проблему манипулирования данными позволяет и расширение использования данных, генерируемых **«производственными»** системами органов исполнительной власти и объектами осуществляемого ими регулирования, которые не могут быть искажены и доступны в режиме онлайн. Примером применения таких оценок являются автоматически формируемые показатели качества предоставления государственных услуг на используемых органами государственной власти платформах. Внедрение цифровых технологий позволяет решить и проблему избыточной сложности систем результативности, требующих учета мнения всех заинтересованных сторон, соблюдения баланса интересов. Если в доцифровую эпоху степень учета позиции стейкхолдеров, не являющихся органами государственной власти, в значительной степени зависела от органа государственной власти, то с появлением новых технологий степень вовлеченности граждан и их влияния на принимаемые решения существенно возрастает, тогда как возможность формализма при учете их позиции, напротив, снижается. Кроме того, использование некоторых источников «больших данных» в принципе не требует дополнительных усилий от заинтересованных сторон для выявления их позиции. Например, обработка данных сообщений в социальных сетях позволяет выявить позицию граждан вообще или отдельной социальной группы в отношении тех или иных проблем без организации отдельного сбора данных. С автоматизацией процедур мониторинга менее значимыми становятся оценки ограничения по количеству показателей, на основе которых оценивается та или иная задача; напротив, для проведения оценки приветствуется привлечение данных из различных, в том числе неструктурированных, источников.

В-третьих, внедряемые в настоящее время цифровые технологии (технологии «цифрового правительства») позволяют значительно увеличить возможности по анализу данных и, соответственно, повысить надежность планирования, мониторинга и оценки программ. Так, если сегодня анализ данных при оценке результатов зачастую сводится к сопоставлению плановых и фактических значений показателей, оценке степени исполнения мероприятий и достижения контрольных точек, то использование «больших данных» и искусственного интеллекта позволяет оценивать влияние реализации государственных программ и их отдельных мероприятий на различные целевые группы (например, путем применения рандомизированных контролируемых исследований), устанавливать причинно-следственные связи между принимаемыми управленческими решениями и достигаемыми результатами,



вырабатывать варианты коррекции программ и политик и оценивать вероятность их успешной реализации. Использование этих новых инструментов одновременно со значительным расширением источников возможной информации для принятия решений создает условия для роста результативности исполнения государственных функций в самых разных областях – от наукоемких (выработка государственной политики в сфере изменения климата) до прикладных (осуществление контрольно-надзорной деятельности или управление муниципальным транспортом). Расширение используемых методов анализа повышает требования к мониторингу и особенно к оценке в рамках процедур управления по результатам: государства переходят от простой констатации достижения (недостижения) целевых значений показателей к проведению достаточно сложных многомерных оценок результативности отдельных проектов и программ, в том числе предусматривающих сопоставление результативности среди участников программ и в контрольных группах. Такие более глубинные исследования позволяют повысить качество принимаемых решений как на этапе формирования стратегических целей и планирования деятельности, так и на этапе оценки и коррекции

При анализе расширения используемых методов оценки нельзя не отметить и распространение поведенческих технологий, стимулирующих поведение граждан в определенном направлении, заданном государственной политикой (например, распространение принципов здорового образа жизни или более активное использование общественного транспорта). Данные технологии во многом основаны на использовании социальных сетей и иных медиа для продвижения заданных целей. В перспективе вероятно более активное распространение таких технологий и на этапы разработки и оценки результативности государственной политики в целом, и деятельности отдельных органов власти.

В-четвертых, анализ зарубежного опыта показывает, что внедрение цифровых технологий осуществляется в условиях, когда одним из важных приоритетов многих правительств является оптимизация бюджетных расходов. В связи с этим значительное внимание уделяется не только результативности деятельности органов власти, но и эффективности их деятельности, оцениваемой, в частности, на основе расчета транзакционных издержек при предоставлении государственных услуг. Внедрение цифровых технологий может способствовать значительному сокращению издержек на содержание аппаратов. Так, по оценкам компании Deloitte, автоматизация задач в органах государственной власти США может ежегодно освобождать 96,7 млн. рабочих часов федерального правительства, что потенциально сэкономит 3,3 млрд. долл.¹. При активном внедрении технологий искусственного интеллекта и автоматизированного принятия решений государства могли бы ожидать от 27 до 30% экономии времени в пределах от пяти до семи лет².

В-пятых, проанализированные примеры свидетельствуют о том, что цифровые технологии могут повлиять на управление по результатам не только на уровне государственной политики, программ и органов государственной власти, но и на индивидуальном уровне. Цифровизация систем управления кадрами, внедрение машинных алгоритмов и элементов искусственного интеллекта в кадровую работу уже реальность, и, вероятно, данные практики также получат дальнейшее распространение в среднесрочной перспективе.

Анализ зарубежного опыта использования цифровых технологий в государственном управлении показывает, что цифровая трансформация затрагивает не только организацию предоставления государственных услуг, но и другие виды государственных функций. Более активное использование «прорывных» цифровых технологий в органах государственной власти на всех этапах управленческого цикла позволит расширить спектр используемых источников данных о достигаемых результатах, повысить оперативность получения таких данных, а также использовать более совершенные инструменты анализа фактического воздействия реализации государственной политики, выполнения тех или иных государственных программ на различные целевые группы.

1 Deloitte (2017). Artificial Intelligence in Government. Using cognitive technologies to redesign public sector work – A Global Perspective. Deloitte Centre for Government Insights

2 Viechnicki, P. & Eggers, W. (2017). How Much Time and Money Can AI Save Government? London: Deloitte University Press.



Возможность использования данных о достигаемых результатах, поступающих в оперативном режиме, повысит обоснованность и качество принимаемых на их основе решений; в перспективе часть таких решений могут приниматься автономно. Обеспечение на основе цифровых технологий своевременного получения детальных данных о ресурсах, затрачиваемых на исполнение государственных функций и отдельных процессов, позволит создать адекватные инструменты оценки эффективности и оптимизации бюджетных расходов. Задействование различных источников данных о достигаемых результатах поможет повысить надежность и достоверность информации, необходимой для принятия управленческих решений. Использование «прорывных» цифровых технологий способствует реализации принципов управления по результатам. Таким образом, применение цифровых технологий может стать «локомотивом» дальнейшего внедрения государственного управления по результатам. Для этого важно, чтобы при разработке новых государственных информационных систем максимально учитывались преимущества «прорывных» цифровых технологий. В частности, представляется важным: – предусмотреть возможность использования различных источников данных для формирования показателей реализации государственных программ, национальных, федеральных и ведомственных проектов, иных стратегических документов при проведении мониторинга и оценки их реализации; – исключить при проектировании информационных систем управления результативностью ручной ввод любых данных, которые могут быть получены исходя из форм первичного учета, официальных статистических данных, административных данных органов власти, иных источников «больших данных», в том числе с использованием «Интернета вещей»; – предусмотреть возможность использования технологий искусственного интеллекта при анализе данных о планируемых и фактически достигнутых результатах деятельности органов государственной власти, государственных программ и проектов, государственных гражданских служащих; – предусмотреть возможность использования технологий распределенного реестра для исключения искажения отчетных данных в органах государственной власти. Реализация данных рекомендаций будет способствовать повышению качества российского государственного управления, прежде всего его результативности и эффективности.

Специфические направления применения «прорывных» цифровых технологий и их приложений на различных этапах управленческого цикла могут стать важным предметом дальнейших исследований.



ЖАМИЯТДАН БАТОМОМ АЖРАТИЛГАН ҲОЛДА ИЖРО ЭТИЛАДИГАН ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАР

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли
ИИБ Академияси ўқитувчиси
Умиджон Нурматов
ИИБ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судлари ҳар бир иш бўйича жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни қўллашда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида аниқлашлари ва тузатишлари, шунингдек хусусий ажримлар чиқариш орқали уларга муносабат билдиришлари керак[1].

Жиноят кодексида белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Хусусан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиноий жазо тизимидан айрим жазо турлари чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди, жиноят қонунчилигида ярашув институти жорий этилди, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун белгиланган муддатлар қисқартирилди. Қонунга асосан Жиноят кодексининг 13 та моддасига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2007 йил 11 июлда «**Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноий жазолар тизимини либераллаштириш борасида туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Боиси, илгари суд-ҳуқуқ соҳасида бундай ислоҳот олиб борилмаганди. Буни хорижлик мутахассислар ҳам кўп бора эътироф этмоқда[2].

Айнан ушбу қонун қабул қилиниши Ўлим жазосини бекор бўлиши Республикамизда жамиятдан батомом ажратилган ҳолда ижро этиладиган жиноий жазоларнинг қўлланиш амалиётини ошириб жазосини ўтаётган маҳкумларни ўз қилган ишларидан пушаймонлик туйғусини тушуниш учун вақт берди.

Жиноят кодексининг 43 моддасига биноан жазо турлари асосийси 9 турга бўлинса уларнинг 2 тури айнан жамиятдан батомом ажратилган ҳолда жазони ўташ тартиби асосида ўрнатилади. Булар:

- 1) озодликдан маҳрум қилиш;
- 2) умрбод озодликдан маҳрум қилиш[3].

Озодликдан маҳрум қилиш — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсни махсус ажратилган тарбиявий муассасаларда мажбурий равишда жа-миятдан ажратишда ифодаланадиган жазо тури. Озодликдан маҳрум қилиш асосий ва энг оғир жазолардан бири ҳисобланади. У маҳкумларта нисбатан жиддий чеклашлар қўллаш билан боғлиқдир. Маҳкум фақат жамиятдан ажралиб қолмасдан, балки ҳаракатланиш, меҳнат фаолиятини танлаш эркинлигидан ҳам маҳрум бўлади, ўз вақтидан фойдаланиш имконияти чекланади ва ҳ. к.

Озодликдан маҳрум қилишнинг мақсади айбдор (жиноятчи)ни жамиятдан ажратиш йўли билан унинг жиноий фаолиятини давом эт-тириш имкониятини йўқотиш, тарбиялаш, шунингдек, бошқа беқарор фу-қароларга огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишдир. ЎЗР Жиноят кодекси тегишли моддаси санкцияси Озодликдан маҳрум қилиш тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина ушбу жазо чораси қўлланилади[4].

“Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қабул қилинган қонун билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши бу ҳуқуқ ҳимоясининг реал кафолати бўлди[5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш



соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори [6] республика жиноят-ижроия тизимини ривожлантиришнинг янги даврини белгилаб берди. Ушбу қарор ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Унга кўра: маҳкумлар ва қамокқа олинган шахсларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш, ходимларнинг хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назоратни, коррупция ва мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳолатларини истисно этадиган даражада кучайтириш; маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятдаги ҳуқ-атвор қоидаларига риоя этиш маданиятини, билим ва маънавий-ахлоқий савиясини оширишга интилишини шакллантиришга қаратилган қайта тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш жараёнини такомиллаштириш; фуқаролар билан уларни жиноят-ижроия соҳасида ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишда самарали мулоқот ўрнатиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослашувини фуқаролик жамияти институтлари билан узвий ҳамкорликни таъминлаш; меҳнат бозорида талабга эга бўлган касблар бўйича асосий ҳунар ва умумтаълим дастурларини амалга ошириш доирасида маҳкумларни, хусусан вояга етмаган ва маълумотга эга бўлмаганларни ўқитиш сифатини ошириш; маҳкумларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш; маҳкумлар ва қамокқа олинган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари, ахборот-коммуникация технологияларни фаолиятда кенг қўллаш вазифалари белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 4-сон 21.05.2004. Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида (lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги - Жиноий жазоларни либераллаштириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили (minjust.uz)
3. 22.09.1994. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (lex.uz)
4. Озодликдан Маҳрум Қилиш ҳақида — У ким, бу нима — QOMUS.INFO
5. 15-сон 14.11.2007. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида (lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 33. – 838-модда.



ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Каюмов Бахтиёр Эркинжонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг
Иқтисодий жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашишни ташкил этиш кафедраси бошлиғи;
Даминов Рустам Бахтиёр ўғли,
Бош прокуратура академияси магистратураси тингловчиси

Аннотация. Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятни тўғри квалификация қилиш ва уни содир этганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур мақолада жиноий даромадларни легаллаштириш тушунчасига нисбатан турли олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят, жиноий жавобгарлик, жиноий даромадлар, пул ювиш, легаллаштириш, жазо.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Хусусан, жиноий йўл билан юқори даромад олишга интилиш, уларни иқтисодиётга қонуний йўл билан сарфлаш ёхуд уюшган жиноий фаолиятни кенгайтириш учун ўз мақсадларига эришиш йўлида асосий манба сифатида улардан фойдаланиш бундай маблағ эгалари олдида уни халқаро аренада тасарруф қилиш имкониятларини очиш шартларини қўйди.

Таъкидлаш жоизки, декларация ва резолюция шаклидаги халқаро ҳужжатлар тавсия характерида эга бўлган халқаро ҳужжатлар гуруҳига мансуб бўлиб, бунда мажбурий юридик куч тусини берувчи имзолаш, ратификациялаш ёки бошқа жараёнлар талаб этилмайди. Бундай ҳужжатларнинг қабул қилиниши ёки бошқача айтганда халқаро-ҳуқуқий “доирада” бундай турдаги ҳужжатларнинг яратилиши “халқаро стандартларга мос келади” деган тушунчани ҳосил қилиш ва миллий ҳуқуқни янада ривожлантириш учун хизмат қилади. БМТ Уставида белгиланганидек, унинг ҳар бир аъзоси ўз мажбуриятларини бажаришга, уставда белгиланган тамойил ва мақсадларни амалга оширилишига эришишга виждонан ҳаракат қилишлари лозим”. Бу эса ўз ўрнида аъзо-давлатлар зиммасига қабул қилинаётган резолюциялар билан ҳисоблашмасдан амалга ошириш мумкин эмаслигини билдиради. Шу сабабли юридик мажбурлов кучига эга бўлмасдан резолюциялар аъзо-давлатларни маънавий-сиёсий жиҳатдан уларда белгиланган нормаларга риоя қилишга даъват қилади. Шу билан бирга резолюцияларнинг бажарилишига Устав бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши сифатида қаралади.[1]

Бизнинг фикримизча, бугунги кунга келиб халқаро ҳуқуқ нормаларининг бевосита миллий қонунчиликка таъсир доираси кучайиб бориши шароитида халқаро ҳуқуқ нормаларининг барчаси умуммажбурий характер касб этмоқда. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, резолюция ёки декларациялар йўли билан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда илгари сурилган ғоя ва нормалар жаҳон ҳамжамияти томонидан умумий норма сифатида эътироф этилар экан, ўз ўрнида улар халқаро стандарт тусини олади. Халқаро стандартларга риоя этмаслик эса, халқаро мажбуриятларнинг бажарилмаслигини келтириб чиқаради. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини



тахлил қилиш жараёнида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин[2].

Биринчи гуруҳга жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган универсал халқаро ҳужжатларни киритсак, иккинчи гуруҳга эса, минтақавий халқаро ҳужжатларни киритиш мумкин. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган универсал халқаро ҳужжатлар бугунги кунда жуда кўп бўлиб, қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз. 1988 йилнинг 20 декабрида БМТнинг савдогарларни ноқонуний наркотиклар даромадлари ва уларни эркин жойлаштиришларига чек қўювчи “Наркотик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди[3].

Мазкур Конвенцияда (5-модданинг 1-банди) мусодара қилишга тегишли бўлган рўйхат белгиланган бўлиб, унга мувофиқ қуйидагилар: “ҳуқуқбузарлик натижасида қўлга киритилган даромадлар” яъни, “қиймати шундай даромадларга мос келадиган мулк”, шунингдек, “бирор-бир ҳуқуқбузарлик содир этишда фойдаланиш учун мўлжалланган ёхуд фойдаланилган наркотик воситалар ва психотроп моддалар, материаллар ва жиҳозлар ёки бошқа воситалар” мусодара қилиниши лозим. Айти пайтда Конвенцияда мусодара қилинадиган мулкни излашда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, мусодара қилишни амалга ошириш ва таъминлашнинг процессуал тартиби белгилаб берилган.

Давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик биринчи навбатда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликда қуйидаги икки асосий ҳуқуқий шаклдан фойдаланилади:

1) Шартнома-ҳуқуқий ёки конвенционал (мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномаларнинг тузилиши ва амалга оширилиши);

2) Институционал (Умумий халқаро ташкилотлар, шунингдек, минтақавий характерга эга бўлган – БМТ, Интерпол, Европа Иттифоқи, Болтиқ денгизи давлатлари Кенгаши, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотлари доирасида ҳамкорлик).26 Ҳозирги вақтда халқаро миқёсда институтлар тизими шакллантирилган бўлиб, уларнинг ваколатлари маълум даражада жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Венская конвенция 1988 г. и Конвенция Совета Европы «Об отмывании, выявлении, изъятии и конфискации доходов от преступной деятельности» 1990 года.

2. Волженкин Б.В. Экономические преступления. С 57.

3. Волошко А.И. Взаимосвязь норм внутри государственного и международного права по обеспечению и защите личных и политических прав человека. Дис. на соискание уч. ст. канд. юрид.наук.-М., 1992.-с. 55.

4. Зубков В., Осипов С. Российская Федерация в международной системе противодействия легализации (отмыванию) преступных доходов и финансированию терроризма / - 2-е изд., перераб. и доп. - Москва : Спецкнига, 2007. - 751 с.



ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ ҚОИДАЛАРИ

Шамсидинов Зайниддин Зиёвиддинович,
ТДЮУ Жиноят ҳукуқи, криминология ва
коррупцияга қарши курашиш кафедраси
катта ўқитувчиси
E-mail: z.shamsiddinov@tsul.uz

Аннотация: Жиноят ҳукуқи назариясида жиноят қонуни уч принцигда вақт бўйича амал қилиши борасида моҳиятан бир хил фикрлар билдирилган. Бундан фарқ қилувчи ёндашувлар ҳам учрайди. Хусусан, перспектив, дарҳол, орқага қайтиб амал қилиши усуллари мавжудлиги тўғрисидаги фикр ҳам мавжуд. Бизнингча эса, жиноят қонуни вақт бўйича амал қилишининг уч: проактив, ретроактив ва ультраактив амал қилиш қоидаси мавжуд. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасида ўз аксини топган.

Калит сўзлар: дарҳол амал қилиш, перспектив амал қилиш, орқага қайтиб амал қилиш, амал қилишини сақлаб қолиш, *lex ad praeteriam non valet*, *lex retro non agit*, *lex prospicit non respicit*, *lex mitior retro agit*, *lex severior retro non agit*.

Норматив ҳужжат амал қилишининг уч принципи (амал қилиш типи) мавжуд бўлиб, улар дарҳол амал қилиш, орқага қайтиб амал қилиши, амал қилишини сақлаб қолиши (“қайта яшаши”)дир [1]. С.С.Алексеевга кўра, норматив ҳужжатнинг дарҳол амал қилиши умумий принципидан “қонун орқага қайтиш кучига эга эмас” (*lex ad praeteriam non valet*) қоидаси келиб чиқади[1]. Қолаверса, француз юристи Рубье бу борада ҳам фикр билдирган бўлиб, унга кўра, вақт уч босқич: ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинар экан, шунга мос тарзда қонуннинг вақт бўйича амал қилиши ҳам, янги ва эски қонунлар ўртасидаги қоллизиянинг ечими қуйидаги уч турда бўлиши мумкин: 1) орқага қайтиб амал қилиши (орқага қайтиш кучи, ретроактивлик); 2) янги қонуннинг дарҳол амал қилиши; 3) эски қонуннинг қайта яшаши (ультраактивлик) [3].

Бундан ташқари, А.И. Бойцов ва Б. В. Волженкин “Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши қилмишга нисбатан унинг содир этилиши вақтига мос келувчи қонуннинг қўлланилиши, енгилроқ қонуннинг орқага қайтиши, оғирроқ қонуннинг орқага қайтмаслиги каби уч принципиал қоидага асосланиши”ни қайд этганлар [4]. Юқоридаги ҳолатлардан англашимиз мумкинки, жиноят қонуни уч принцигда вақт бўйича амал қилиши борасида моҳиятан бир хил фикрлар билдирилган.

Шунга қарамайдан, булардан фарқ қилувчи ёндашувлар ҳам учрайди. Д.Н.Бахрах норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вақт бўйича амал қилишининг уч вариантыни келтириб ўтган ҳолда, улар уч мавжуд замон: ўтмиш, ҳозир ва келажакда ҳуқуқий нормалар амал қилишининг барқарорлиги ва зарурий эгилувчанлигини таъминлашга қаратилганлигини қайд этган. Унга кўра, буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- перспектив амал қилувчи норма келгусидаги муносабатларни тартибга солади;
- дарҳол амал қилувчи норма жорий ва келгусидаги муносабатларни тартибга солади;
- орқага қайтиб амал қилувчи норма ўтмишдаги, жорий ва келгусидаги муносабатларни тартибга солади [5].

Мазкур олим томонидан мавжуд тадқиқотларга таянган ҳолда, янги норма вақт бўйича амал қилиши усуллари куйидаги талқини тақлиф этилган: а) перспектив амал қилиши усули – норма кучга кирганидан сўнг юзага келган фактлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва бунинг натижасида вужудга келган муносабатларга нисбатан татбиқ қилиниши; б) дарҳол амал қилиши усули – олдинги фактлар ва илгари вужудга келган муносабатларга (бунда норма кучга кирган санадан муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгаради) ҳамда норма кучга кирганидан сўнг вужудга келган фактлар ва муносабатларга татбиқ этилиши (бу ерда кучга кириш ва амал қилиш бошланиши саналари мос келади); в) орқага қайтиб амал қилиши усули – норма кучга кирганига қадар вужудга келган фактлар ва муносабатларга татбиқ этилиши. Орқага қайтиб амал қилувчи норма, у кучга кирган санадан олдинроқ санада вужудга келган ҳуқуқий муносабатларни қисман ёки тўлиқ қайта кўриб чиқади [5]. Эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур олим томонидан юқоридагилар (дарҳол, ретроактив ва ультраактив амал қилиш)дан фарқли равишда перспектив, дарҳол, орқага қайтиб амал қилиш принциплари мавжудлиги тан олинган. Бизнингча эса, жиноят қонуни вақт бўйича амал қилишининг қуйидагича уч қоидаси мавжуд бўлиши мумкин.



Проактив амал қилиши. Бу шуни англатадики, қонун кучга кирганидан сўнг вужудга келган фактларга нисбатан татбиқ қилиниб, бунгача бўлган муносабатларга таъсир қилмайди, яъни орқага қайтмайди (*lex retro non agit*). Лотинча ибора билан айтганда, *lex prospicit non respicit*, яъни қонун олдинга қарайди, орқага қарамайди. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам шундай бўлиб, аввало, қонун қабул қилиниб, кучга қиради ва шундан сўнггина ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Қилмиш содир этилса, унинг жиноийлиги ёки жиноий эмаслиги (жиноийликни истисно этувчи ҳолатларда содир этилиши), жазога сазоворлиги ёки бошқа ҳуқуқий оқибатлари ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонун билан белгиланади.

Бироқ таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 13-моддаси 1-қисмида қилмиш содир этилишининг бошқа ҳуқуқий оқибатлари қайси вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланишига аниқлик киритилмаган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ЖК 4-моддасига кўра, қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари Жиноят кодекси билан белгиланади. Жиноят кодекси нафақат қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги масалаларини, балки, қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳуқуққа ҳилоф бўлмаган зарар етказиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларин қўллаш ва бошқалар билан боғлиқ муносабатларни ҳам тартибга солади. Шундай экан, жиноят қонунидаги қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини белгиламайдиган, лекин бошқа жиноят ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг вақт бўйича амал қилиши масаласига ойдинлик киритилмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ЖКнинг 13-моддаси 1-қисмига “қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ёки бошқа ҳуқуқий оқибатлари ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган жиноят қонун билан белгиланади” тарзидаги ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ретроактив амал қилиши. Бунга кўра, қонун олдинга қараб амал қилиб турган ҳолда орқага қайтиб ҳам амал қилиши мумкин. Шарти шуки, кучга кирган қонун енгилроқ (*lex in mitius*) бўлиши лозим. Шундагина, умумий қоида(биринчи қоида)дан истисно тарзида орқага қайтиб амал қилишига йўл қўйилади, яъни енгиллаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга бўлади (*lex mitior retro agit*). Жиноят ҳуқуқий тилда айтадиган бўлсак, қонун қилмишнинг жиноийлигини бекор қилса, жазони енгиллаштира ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшиласагина орқага қайтиб амал қилади. ЖКнинг 13-моддаси 2-қисмида айнан шундай қоида мустаҳкамланган.

Аксинча бўлса, яъни қонун оғирлаштирувчи ҳисобланса, у орқага қайтиш кучига эга бўлмайди (*lex severior retro non agit*). Қонун қилмишнинг жиноийлигини ўрнатса, жазони кучайтира ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштира орқага қайтиб амал қилмайди. ЖКнинг 13-моддаси 3-қисмида шундай қоида акс этган.

Ҳуқуқ назариясида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг орқага қайтиш кучини оддий ва тафтиш этувчи турлари фарқланади. Тегишлича, жиноят қонуни орқага қайтиш кучининг ҳам шундай турлари мавжуд. Қонуннинг орқага қайтиш кучини бундай турларга бўлиш мезони бўлиб, эски қонун бўйича юзага келган ҳуқуқий оқибатларнинг тугалланганлик даражаси хизмат қилади. Оддий орқага қайтиш кучи – янги енгилроқ бўлган жиноят қонунининг суд ҳукми чиқарилмаган ёки у қонуний кучга кирмаган жиноятларга нисбатан татбиқ этилишига айтилади. Тафтиш этувчи орқага қайтиш кучи – янги, енгилроқ бўлган жиноят қонунининг нафақат суд ҳукми кучга кирган, балки ижро қилинган (бунда шахс жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган, лекин судланганликка эга бўлади) жиноятларга нисбатан татбиқ этилиши ҳисобланади. С.С.Алексеев таъкидлаганидек, тафтиш этувчи орқага қайтиш кучида илгарироқ вужудга келган ҳуқуқий оқибатлар қайта кўриб чиқилади(тафтиш этилади) [7].

Д.Н.Бахрахнинг фикрича, норманинг орқага қайтиш кучи, унинг дарҳол амал қиладиган ҳамда орқага қайтиб амал қиладиган норма сифатида қўлланилиши мумкинлигини англатади. Шубҳасиз, у янги фактларга нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, у органик тарзда ўз ичига тафтиш этувчи, дарҳол ва перспектив амал қилиш имкониятини олиб, вақт бўйича максимал амал қилиш кучига эга бўлади [8].

Ульттраактив амал қилиши. Бу принцип шуни англатадики, эски қонун янги қонун кучга кирганига (бундан кейин у амал қилишига) қарамасдан амал қилишини сақлаб қолади (“яшашда давом этади”). Чунки, эски қонун ҳам қачондир “янги” бўлган. Бу умумий қоида (биринчи принцип)дан келиб чиқади. Қолаверса, янги қонун оғирроқ бўлса, у орқага қайтиб амал қилмайди, яъни қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган (эски) қонун қўлланилади.



Соддарок қилиб айтганда, жиноят-хукукий нормаларнинг вақт бўйича рақобати юзага келганида ЖК 13-моддаси 3-қисмига кўра, агар янги қонун қилмишни жиноят деб ҳисобласа, жазони кучайтирса ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирса, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонун қўлланилади.

Бундан ташқари жиноят қонунининг умумий ва субсидиар амал қилиши фарқланиши ҳақида фикр билдирилади. Жиноят қонунининг умумий амал қилиши риоя қилиш, бажариш фойдаланиш, қўллаш каби элементлардан ташкил топади. Субсидиар амал қилишида бузилган ҳуқуқнинг тикланиши учун ёки қонунга риоя қилиш, бажариш ва фойдаланиш фактини тасдиқлаш учун унинг қўлланилиши (жиноят қонунининг ультраактив амал қилиши) ҳақида сўз боради [9].

Бошқача айтганда, янги қонун кучга кирган пайтдан бошлаб олдинги қонун келажак учун фақат позитив жиҳатдан ўз кучини йўқотади. Бунда унинг олдин содир этилган қилмишларга нисбатан ҳимоя қилиш имконияти йўқолмайди [6]. Демак, юқоридагилардан келиб чиқадики, 1959 йилдаги Жиноят кодекси, 1994 йилдаги Жиноят кодекси кучга кирганидан сўнг ҳам жиноят-хукукий муносабатларга нисбатан қўлланилишда давом этган. Ҳозирда амалда бўлган Жиноят кодекси янги таҳрирдаги жиноят кодекси қабул қилиниб, кучга кирганидан сўнг ҳам қўлланилишда давом этади. Бунинг шарти шуки, жиноят-хукукий муносабатлар янги жиноят қонуни кучга киргунига қадар содир этилган бўлишлиги ва янги жиноят қонуни қилмишни жиноят деб ҳисобловчи, жазони кучайтирувчи ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирувчи бўлмоқлиги лозим.

Д.Н.Бахрах фактик жиҳатдан эски норманинг ультраактивлиги кўпроқ қонун чиқарувчининг янги норма ҳолатни яхшиламаганлиги сабабли субъектларнинг ҳуқуқлари, улар илгари эга бўлган статусни сақлаб қолишни зарур, деб ҳисоблаши ва шу билан мавжуд ҳукукий муносабатлар барқарорлигини таъминлаши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Формал жиҳатдан эса, эски норманинг ультраактивлиги янги норма у кучга кирганидан сўнг вужудга келган фактлар, муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши билан боғлиқ. Янги норманинг бундай амалда бўлиш усулини перспектив деб номлаш таклиф этилади. Эски норманинг ультраактивлиги янгининг перспектив амал қилиши билан боғлиқ [2]. Демак, мазкур ҳолатда эски норма *de facto* ультраактивлигига сабаб – янги норманинг энгиллаштирувчи ҳисобланмаслиги ва *de jure* ультраактивлик янги норманинг перспективлигига боғлиқ эканлиги кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, янги норма орқага қайтиб амал қила оладиган бўлса, кучини йўқотган эски норманинг амал қилишига зарурат бўлмайди, чунки янги норма эскисига нисбатан энгиллаштирувчи ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонуни вақт бўйича амал қилишининг учта қондаси мавжуд. Уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасида ўз аксини топган бўлиб, умумий қондани “қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳукукий оқибатлари ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади” тарзида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алексеев С.С. Общая теория права: В 2-х т, Т. 2. — М.: «Юридическая литература», 1981. С.241
2. Очерки теории российского права/ Бахрах Д.Н. — М.: Норма: Инфра-М, 2010. — С.139.
3. Тилле А.А. Время, пространство, закон: Действие советского закона во времени и пространстве. С.40.
4. Бойцов А. И., Волженкин Б. В. Уголовный закон: действие во времени и пространстве: Учебное пособие. С.-Пб., 1993. С.4.
5. Очерки теории российского права/ Бахрах Д.Н. — М.: Норма: Инфра-М, 2010. — С.132.
6. Л.Х.Караева, О.Х.Кочиева. Ультраактивное действие уголовного закона. Вопросы экономики и права. 2019. № 3 (129). С.10-11..
7. Алексеев С.С. Проблемы теории права. Свердловск. 1974. Т.2. С. 130-131
8. Очерки теории российского права/ Бахрах Д.Н. — М.: Норма: Инфра-М, 2010. — С.147.
9. Мельников М.Г. Действие уголовного закона во времени и пространстве. Диссерт. на соиск. уч. стсп. канд. юрид. наук. Рязань. 1999. С.28-29



«САМОРЕГУЛЯТИВНЫЕ ИНСТИТУТЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ АКЦИОНЕРОВ»

Миржамолов Шухратжон Шавкат угли
Магистрант Ташкентского государственного
юридического университета
Телефон: +998 93 377 34 77
shuhratmirjamolov17@gmail.com

Аннотация. Актуальность данной работы обусловлена, прежде всего, развитием в странах ЕС, США, Японии, Ю. Кореи и в других государствах с развитой экономикой и правовой системой в сфере корпоративного управления и необходимостью применения данного международного опыта в национальной правовой системе в целях более эффективной защиты и закрепление в законодательных актах более высокие гарантии для инвесторов и будущих акционеров акционерных обществ. В работе рассматриваются проблемы теории обеспечения прав и интересов каждого акционера, вопросы внедрения современных технологий, в частности искусственного интеллекта в корпоративном управлении, в работу советов директоров акционерного общества, дополнение компетенций и навыков корпоративных директоров возможностями технологий искусственного интеллекта в обозримой перспективе способно значительно повысить уровень эффективности управления, способы защиты прав и законных интересов как крупных, так и мелких акционеров, вопросы разработки и стратегии нормативно-правовой базы в сфере корпоративного управления в государственном уровне, учитывая при этом международную и национальную правоприменительную практику в этой области, вопросы защиты прав акционеров при голосовании по основным вопросам общества, обязанность представительных и исполнительных органов действовать в наилучших интересах компании, защита прав других акционеров при концентрации владения (когда лицо имеет достаточно больше акций, которые позволяют ему влиять на принятие решений в общем собрании общества), обеспечение и защита при нарушении следующих основных прав акционеров: надежные методы регистрации права собственности, отчуждение или передача акций, получение необходимой информации о корпорации на своевременной и регулярной основе, участие в голосовании на общих собраниях акционеров, участие в выборах правления, долю в прибылях компании, на участие в принятии решений и получение достаточной информации относительно решений, касающихся принципиальных изменений в компании, обеспечение эффективности судебной и внесудебной защиты прав и законных интересов акционеров, обеспечение гарантированного доступа каждого акционера к информации, касающейся деятельности данного акционерного общества, вне зависимости его размеров акций.

Ключевые слова: акционерное общество, акция, органы управления, искусственный интеллект, медиация, кодекс корпоративного управления, институты защиты прав акционеров.

Основной целью данной магистерской диссертационной работы является глубокое исследование таких вопросов в сфере корпоративного управления, как надежная защита прав и законных интересов акционеров акционерных обществ со стороны государства, законодательное закрепление основ эффективного управления в крупных акционерных обществах с целью защиты как лиц, владеющих контрольным пакетом акций, так и мелких акционеров, изучение вопросов внедрения современных технологий, в частности искусственного интеллекта в корпоративном управлении, в работу советов директоров акционерного общества, дополнение компетенций и навыков корпоративных директоров возможностями технологий искусственного интеллекта в обозримой перспективе способно значительно повысить уровень эффективности управления, изучение пути уменьшения корпоративных споров, внесудебное рассмотрение и разрешения таких споров в кратчайших сроках, рассмотрение вопросов внесения изменений и дополнений в кодекса корпоративного управления Республики Узбекистан, и создание в нем гарантий, обеспечивающих минимальные права и законные интересы акционеров акционерных обществ и обязательное принятие данного кодекса для каждого акционерного общества.

В соответствии с указанной целью ставятся следующие основные задачи перед



исследуемой тематикой:

- изучение правовых основ корпоративных организаций и корпоративного управления в акционерных обществах, субъектов корпоративного управления;
- изучение принципов и общих положений корпоративного управления, полномочия общего собрания акционеров, наблюдательного совета и других исполнительных органов акционерного общества;
- изучение классификации прав акционеров и их законодательную регламентацию, способов их защиты, компетенция государственных органов в области защиты прав акционеров;
- изучение тенденций и перспектив судебной и внесудебной защиты прав акционеров;
- изучение возникновения корпоративных конфликтов, виды корпоративных конфликтов, и способы предотвращения рассмотрения таких категорий дел в суде, изучения их разрешения в внесудебном порядке;
- изучение вопросов внедрения современных технологий, в частности искусственного интеллекта в корпоративном управлении, в работу советов директоров акционерного общества, дополнение компетенций и навыков корпоративных директоров возможностями технологий искусственного интеллекта в обозримой перспективе способного значительно повысить уровень эффективности управления.

В статье 112 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» установлены 9 институтов защиты прав акционеров, но все эти функции, направленные на защиту прав акционеров, осуществляются другими лицами, например, как профессиональными участниками рынка ценных бумаг и фондовыми биржами, уполномоченным государственным органом по регулированию рынка ценных бумаг, страховыми организациями, аудиторскими организациями, а также правоохранительными органами. А когда такие пути разрешения споров осуществляются силами самих сторон, они называются самоуправляемыми институтами, или можно по-другому называть это саморегулятивными функциями защиты прав акционеров.

Примерами саморегулятивных институтов могут служить медиация и комиссия ad hoc по разрешению споров при данном акционерном обществе, когда стороны обращаются к ним, медиатору или арбитру напрямую. Однако и медиация, и очень часто арбитраж проводятся при поддержке организации, занимающейся альтернативным урегулированием споров.

Такой подход защиты прав и законных интересов акционеров акционерных обществ дает возможность участникам корпоративных правоотношений сами решить проблемные ситуации с участием спорящих сторон путем достижения общих целей. Исходя из тематики данной исследовательской работы в рамках написания магистерской диссертационной работы, были раскрыты вопросы, связанные именно с саморегулятивными институтами защиты прав акционеров, так как они считаются более эффективными при быстром рассмотрении и разрешении конфликтных ситуаций в корпоративном управлении. Если в конфликтных ситуациях, когда вероятность примирения высока, ADR зачастую ускоряет процесс его достижения, сохраняя средства, время и, возможно, деловые отношения между субъектами корпоративного управления.

При рассмотрении и разрешении того или иного корпоративного конфликта суд или арбитраж действует на основе принципа состязательности. А когда спор будет рассматриваться в комиссии по разрешению споров она должна учитывать мнений и интересов всех участников конфликтной ситуации, что в отличие от состязательного характера рассмотрения процесса, это приводит скорее к сближению сторон. Именно по данной причине можно сравнивать деятельность комиссии по разрешению споров к деятельности профессиональных медиаторов, действия которых также направлены на достижение общих, полезных для обеих сторон результатов.

Исходя из этого мы предлагаем, что в законодательство Республики Узбекистан об акционерных обществах и защите прав акционеров необходимо внести изменений и дополнений. А именно в Законе Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», в целях развития саморегулятивных институтов защиты прав акционеров, добавить главу, посвященную деятельности, полномочиям новой комиссии при акционерных обществах по разрешению споров. Несмотря на то, что данная комиссия будет заниматься вопросами рассмотрения конфликтных ситуаций между участниками



корпоративного управления и относиться ко всем участникам этих отношений одинакова, основная её направленность должна быть защита прав и законных интересов акционеров, как крупных, так и мелких.

Список использованной литературы:

1. Х.Р.Рахманкулов, С.С.Гулямов. Корпоративное право. Учебник для юридических вузов. – Т.: ТГЮИ, 2004. – 707 стр.;
2. А.Е.Шеститко, Проблемы корпоративного управления и пути их решения в корпоративном законодательстве., Российский журнал менеджмента.: Том 4, №2, 2006. С. 3-24.;
3. Вячеслав Алексеевич Бамбуров, Применение технологий искусственного интеллекта в корпоративном управлении. ГОСУДАРСТВЕННАЯ СЛУЖБА., 2018 том 20 №3.;
4. Kaplan L. Top Executive Rewards and Firm Performance: A Comparison of Japan and United States. При.: 13.;
5. Руководство Международного института по предотвращению и разрешению конфликтов (CPR) по медиации и АРС в Европе. Международный институт по предотвращению и разрешению конфликтов. Версия 12-2015/1.



ЯИДХП НИМА?

Бу-Сизнинг коррупция ва бюрократик тўсиқларга дуч келишингизни
“0” даражага тушуриш имконияти

*“Халқ давлат идораларига эмас, давлат
идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”*

Ш.М.Мирзиёев

Т.М.Азизов

Бойсун туман Адлия бўлими Давлат
хизматлари маркази бўлим бошлиғи

ЯИДХП – бу интернет тармоғи орқали фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи Ягона интерактив давлат хизматлари порталидир (my.gov.uz). Ягона портал (ЯИДХП) давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг учун мўлжалланган.

Ягона порталнинг асосий вазифалари:

- фойдаланувчиларга давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;
- фойдаланувчиларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳалар билан интеграциялаш;
- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- давлат органларига мурожаат қилинганда фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш ва давлат бошқарувига замонавий ахборот технологияларини жорий этишда кўмаклашиш. ЯИДХПда шахсий кабинетга OneID (id.egov.uz) тизимида авторизациядан ўтиш орқали кириш мумкин. Агар OneID тизимида шахсий саҳифангиз бўлмаса, рўйхатдан ўтилади.

OneID тизимида рўйхатдан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти (ID карта) ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси бўлиши лозим.

ЯИДХП-хозирги кунда 328 турадаги давлат хизматлари кўрсатилиши таъминланмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига янада шаффофликни таъминлаш ва коорупцияни олдини олишни таъминлаш мақсадида 2023 йил якунига қадар 100 фоиз давлат хизматларини ушбу портал орқали йўлга қўйилишини таъминлаш ва давлат органлари ҳамда ваколатли органлар ушбу тизимга интеграция қилинишини таъминлаш вазифалари устувор вазифа этиб белгиланди.

Бу порталнинг имкониятларидан яъна бири шундан иборатки, Сизнинг ушбу портал орқали мурожатингизни ваколатли органлар томонидан ассосиз рад этилиши ва муддатида хал этилмаслиги юзасидан ваколатли органлар устидан Адлия органларига махсус хабар бериш имконияти мавжудлигидир.

Республикада давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга ошириш, аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олдини олиш, давлат органлари ахборот тизимида мавжуд маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш бўйича ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2022 йил 1 августдан бошлаб:

а) давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими жорий этилиши;

б) Мобил-ID тизими «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланиши ва шахсни унинг мобил телефон рақами орқали идентификациялашни назарда тутуши;



шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг — ЯИДХП мобил иловаси орқали амалга оширилиши;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита Марказ ёки нотариал идорага мурожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли тақдим этилиши ҳамда Марказ ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга туширилиши, электрон шаклда қўл бармоғи изи олиниши ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланиши;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланилганда масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-картадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга бепул боғланиши;

бевосита Марказлар ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш 2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилиши;

Мобил-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкинлиги;

фуқаронинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юбориладиган барча хабарномалар унинг хоҳишига кўра ва белгиланган тўловлар асосида Мобил-ID тизими орқали идентификацияланган мобил телефон рақамига SMS-хабар шаклида юборилиши белгиланди.

ЯИДХП (my.gov.uz) имкониятларидан мавжуд компютерингиз ёки телефонингиз орқали бир маротаба фойдаланиб кўринг ва порталнинг имкониятларини кўриб, бир неча йиллардан буён ўзингизни ўзингиз идорама-идора юриб сарсон қилганингиздан ачиниб кетишингиз аниқ.



XOTIRA – MILLIY MEROSIMIZNI ANGLATUVCHI QADRIYAT

Musayeva Xushvaqt Jo`raqulovna
Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 42-maktabi
Tarbiya va huquq fani o`qituvchisi
Telefon: +998 91 308 23 25

Annotasiya: Xotira va qadrlash – inson aql-zakovatining betakror ma`naviy ne`matlari, tiriklikning azaliy mezonlaridir. Homiylik, saxovat va himmat, mehr va muruvvat fazilatlarini xotira va qadr tushunchalari bilan o`zaro uyg`unlik kasb etadi. Ushbu maqola aynan shu xususida.

**Kalit so`zlar:** xotira, qadrlash, ma`naviy, tarbiya, urf-odat, inson qadri.

Inson, millat va xalq tarixiy xotira tuyg`usi bilan barhayotdir. Xotira – kechagi o`tmishni, ajdodlar o`gitini, milliy merosimizni anglatib turuvchi – muqaddas kitob zarvaraqlaridek hayotimizni yoritib turadi.

Xotira va qadrlash tushunchasi chuqur ma`noga egadir. Insoniyat ikkinchi jahon urushida qatnashgan, ayovsiz jang-u jadalda qahramonlarcha halok bo`lganlar xotirasini also unutmaydi. 9-may – “Xotira va qadrlash kuni” mamlakatimizda umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanadi. Inson xotira bilan tirik, qadr bilan ulug`. O`tganlarni ularning xayrli ishlarini, jasoratini yodga olmoq, e`zozlamoq xalqimizga xos ezgu fazilatlardandir. Xotira va qadrlash – inson aql-zakovatining betakror ma`naviy ne`matlari, tiriklikning azaliy mezonlaridir. Homiylik, saxovat va himmat, mehr va muruvvat fazilatlarini xotira va qadr tushunchalari bilan o`zaro uyg`unlik kasb etadi. Inson, xalq, millat tarixiy xotira bilan tirik, barhayot. Ayniqsa, o`tganlarning xayrli ishlarini yodga olmoq, qadrlamoq biz uchun farz, ham qarzdır. Shu ma`noda, ikkinchi jahon urushida halok bo`lgan minglab yurtdoshlarimiz xotirasini yod etish va e`zozlash, og`ir jang-u jadallarni boshidan kechirgan.

Bukilmas iroda va jasorat namunasini amalda namoyon etib, o`z hayotini aziz Vatanimizning har tomonlama ravnaq topishi, bugungi tinch va osoyishta kunlar uchun jonini fido qilgan ajdodlarning muqaddas xotirasini rad etib, ezgu ishlarni davom ettirish, safimizda yurgan keksalarni e`zozlash odamiylikning eng oliy mezoni va bizga tinchlik, omonlik kerak, deb yashaydigan bag`rikeng va oliyjanob xalqimizga xos azaliy qadriyatdir.

Har yili 9-may kuni otam bizlarni Mustaqillik va Xotira maydoniga olib borar edilar. Yo`l-yo`lakay gullar sotib olar edik. Ziyorat yakunida o`sha yerdagi kursilardan biriga borib o`tirar edik. Otam sekin tilovat qilardilar va shu yerda nomlari bitilgan va urush yillarda halok bo`lgan askarlar, oddiy odamlar haqqiga duo qilar edilar. Keyin “Biz ko`rdik, sizlar ko`rmang!” deb takrorlardilar. Biz ulardan urushning dahshatlari haqida so`raganimizda otam uzoq-uzoqlarga tikilib qolardilar. Ularning yuzlarida allaqanday qo`rquv bilan bitga nafrat va qayg`u birlashib ketardi. Otam yana “Biz ko`rdik, sizlar ko`rmang!” deb javob berib, “tinchligimiz abadiy bo`lsin, bu kunlarni qadriga yetinglar” deb qo`yardilar.

Insonga har kuni tinchlik-osoyshtalik va xotirjamlik kerak. Yincil`gini yo`qotgan xonadon ham, mamlakat ham also xotirjam bo`la olmaydi. Tinchlik-xotirjamlik – taraqqiyot garovidir.

Biz azal-azaldan tinchliksevar xalqimiz. Aynan shu g`oya targ`ibotiga bag`ishlangan buyuk milliy-ma`naviy marosimiz bor. Ularning barida tinchlikning qadriga yetish targ`ib qilinadi, urush esa batamom qoralanadi. 9- may Xotira va qadrlash kuni tarzida umumxalq bayrami sifatida nishonlab kelayotganimiz zamirida ham aynan ana shu ezgu maqsad yotibdi. II jahon urushida O`zbekistonimizdan 1 million 433 ming 230 nafar odam ishtirok etdi. 604 ming 52 nafar hamyurtimiz urush maydonlaridan nogiron bo`lib qaytdi, 450 mingdan ortiq vatandoshimiz esa qonli janglarda halok bo`ldi.

Maydon uzra sokin musiqa sadosi taraladi. Janggohlarda jon bergan vatandoshlarimizning nomlari abadiy muhrlangan “Xotira kitobi”ning zarhal varaqlari Vatanning fidoyi o`g`lonlari qismatidan shahodat beradi.

Inson bor ekan, xotira – muqaddas. Hech kim, hech narsa esdan chiqmaydi. Xalq bugungi tinch-xotirjam zamonni asrab-avaylash, qadriga yetish uchun urushni, uning qahramonlarini g`alabaga munosib hissa qo`shgan har bir qahramonni munosib xotirlaydi. Eng muhimi, yoshlarimiz ong-u shuurida o`tganlarni xotirlash, tiriklarni qadrlashdek insoniy fazilatlar tobora mustahkam muhrlanmoqda. Kechagi kun saboqlarini, xalqimiz kelajagi yo`lida jonini fido qilgan insonlarni



xotirlash bugungi va ertangi kunimizni qadrlashga o`rgatadi. Xotira bo`lmas ekan, qadrlash ham yo`q. ushbu tushunchalar mustaqillik davri avlodi uchun o`ziga xos ma`naviy qadriyatga aylandi. Yurtboshimiz aytganlaridek, buyuk g`alabani buyuk jasoratli insonlar ta`minlagan va biz minnatdor avlodlar bu fidoyi yurtdoshlarimizni doimo ulug`laymiz, ularning beqiyos matonati va xotirasi oldida hurmat bialn bosh egamiz.

Foydalaniladigan adabiyotlar:

1. Z. Zamonov. O. Maxmudov. Tarbiya. 8-sinf darsligi. Toshkent, 2020-yil.
2. Internet ma`lumotlari



O'G'IRLIK HAQIDAGI ARIZANI QABUL QILISH BILAN BOG'LIQ AYRIM MASALALAR.

Nasilloev Abdullo Abror o'g'li

O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar
vazirligi Akademiyasi o'qituvchisi
abdullonasilloev@gmail.com

ANNOTATSIYA (АННОТАЦИЯ / ABSTRACT)

Maqolada o'g'irlik jinoyati haqida arizani qabul qilish tartibi, ushbu arizaga asosan protsess ishtirokchilari bilan olib boriladigan tergovga qadar tekshiruv harakatlari davomida e'tiborga olinishi lozim bo'lgan holatlar, shaxslar bilan muloqot jarayonidagi yuridik va psixologik jihatlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: o'g'irlik, ariza, tergovga qadar tekshiruv, murojaat qiluvchi shaxs, arizani qabul qilish tartibi.

Annotation. The article describes the procedure for receiving an application for theft, the legal and psychological aspects that should be taken into account during the pre-trial investigation with the participants of the proceedings on this application.

Keywords: theft, application, pre-investigation, applicant, application procedure.

Bugungi kunda respublikamizda sodir etilayotgan jinoyatlar statistikasini o'rganadigan bo'lsak 1-o'rinda o'g'irlik jinoyati turishi hech kimga sir emas.[1] Bu esa o'z navbatida ushbu jinoyatga qarshi kurashni yanada kuchaytirishni, unga imkon beruvchi shart-sharoitlarga barham berishni muhim vazifaga aylantiradi. Sodir etilgan yoki sodir etilayotgan o'g'irlik jinoyatlarining tergovga qadar tekshiruvi qanday amalga oshiriladi, ushbu jarayonda e'tiborga olinishi lozim bo'lgan holatlar qaysilar, quyida ularni ko'rib chiqamiz.

Ko'pgina hollarda o'g'irlik jinoyatining tergovga qadar tekshiruvi o'g'irlik haqida navbatchilik qismiga habar qilingan paytdan, ya'ni ushbu xabarni rasmiylashtirishdan (bildirgi asosida) boshlanadi. Keyingi jarayon esa xabar qilgan fuqarodan (jabrlanuvchidan) jinoyat haqida ariza olishdan iborat. ariza fuqaro huquqni muhofaza qiluvchi organlarga murojaat qilib kelgan paytida darhol, yoki tergov tezkor guruhi hodisa joyiga borgan paytida fuqarodan yozma tarzda olinadi. Xo'sh, ariza o'zi nima? O'zbekiston Respublikasining 2017 yil 11-sentyabr kunidagi "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi qonunining 3-moddasida arizaga "ariza — huquqlarni, erkinliklarni va qonuniy manfaatlarini amalga oshirishda yordam ko'rsatish to'g'risidagi iltimos bayon etilgan murojaat" deb ta'rif berilgan. [2] Agarda ushbu ta'rifni yanada kengroq yoritadigan bo'lsak ariza — shaxsning irqi, millati, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, fuqaroligidan qat'iy nazar o'zining huquqlarini (siyosiy, ijtimoiy va yoki shaxsiy), erkinliklarini va qonun bilan belgilab qo'yilgan manfaatlarini jamiyatda amalga oshirishda amaliy yordam so'rab qilgan murojaati hisoblanadi. Shu o'rinda savol tug'iladi, o'g'irlik haqida ariza jismoniy yoki yuridik shaxs (korxona, muassasa, tashkilot)dan qabul qilinib olinishi mumkin? Jismoniy shaxslardan o'g'irlik jinoyati haqida ariza kelib tushganda bir qancha e'tiborga olinishi lozim bo'lgan holatlar mavjud bo'lib quyida ularni ko'rib chiqamiz:

O'g'irlik haqida fuqarodan arizani qabul qilib olish jarayoni 2 xil sharoitda ichki ishlar organlarida va yoki hodisa sodir bo'lgan joyda qabul qilinadi. Ichki ishlar organlarida arizani qabul qilish jarayoni ham bevosita (jismoniy shaxsning o'zidan yozma yoki og'zaki ravishda arizani qabul qilish) va bilvosita (murojaat qiluvchi shaxsning IIB navbatchilik qismiga qilgan og'zaki xabari, elektron murojaatlar, pochta xizmati orqali kelgan yozma arizalar asosida rasmiylashtirish) kabi ikki xil usulda amalga oshiriladi. Hodisa sodir bo'lgan joyda arizani qabul qilish jarayoni esa bevosita ya'ni murojaat qiluvchi shaxsning o'zidan yozma yoki og'zaki ravishda arizani qabul qilish orqali amalga oshiriladi. IIB binosiga o'g'irlik jinoyati bo'yicha murojaat qilib kelgan shaxslar bilan muloqot qilish, ulardan ushbu jinoyat to'g'risida arizani qabul qilish, holat yuzasidan batafsil ko'rsatmalar olish jarayoni keng tushuncha bo'lib, qonuniylik, jismoniy va yuridik shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga rioya etish, murojaatlarni ko'rib chiqishda byurokratizm va sansalorlikka yo'l qo'ymaslik, murojaatlarni ko'rib chiqishda davlat organlari, tashkilotlar va ular mansabdor shaxslari faoliyatining shaffofligi va boshqa bir qancha printsiplar orqali amalga oshirishni talab etadi. O'g'irlik haqida murojaat qilib kelgan



shaxsdan ushbu jinoyat to'g'risida ariza qabul qilish, holat yuzasidan batafsil ko'rsatmalar olish jarayoni ham o'z navbatida bir necha turlarga bo'linib, bir biridan e'tiborga olinishi lozim bo'lgan ma'lum bir qoidalar (holatlar) bilan farqlanadi.

Umumiy qoidalar. Murojaat qiluvchi shaxs bilan muloqotda muomala madaniyatiga rioya etish. Ya'ni murojaat qiluvchi shaxs bilan samimiy munosabatda bo'lishi, murojaatni diqqat bilan eshitishi, suhbat davomida murojaat qiluvchi shaxsga nisbatan hurmatsizlik deb qabul qilinishi mumkin bo'lgan biror bir nojo'ya hatti-harakatlar (tamaki mahsulotlarini chekish, biror narsani iste'mol qilish va boshqalar) sodir etmasligi kabi umumiy qoidalar mavjud bo'lib, ushbu qoidalarga rioya etmaslik nafaqat arizachida unga nisbatan hurmatsizlik sifatida baholanishi, balki ichki ishlar organlari xodimlariga nisbatan ishonchsizlik ruini ham keltirib chiqarishi mumkin.

2. Shartli qoidalar. Ya'ni murojaat qilgan shaxsning yoshi, jinsi, ruhiy holatidan kelib chiqib va albatta umumiy qoidalarni unutmagan holda olib boriladigan suhbat. Jinoyat haqida murojaat bilan IIBga kelgan har bir shaxs bilan iloji boricha IIB binosining fuqarolarni qabul qilish xonasida suhbatlashish maqsadga muvofiq. Chunki bu yerda fuqaro fikrlarini jamlay olishi, hodisa haqida to'liqroq ma'lumot bera olishi mumkin. Suhbat jarayonida xodim oldin o'zini tanishtirishi, xonaga boshqa begona odam kirmasligini ta'minlashi, murojaat qilib kelgan shaxsdan holat haqida aytib berishini so'rashi, uning so'zlarini bo'lmasdan tinglashi, savol tug'ilgan taqdirda ish daftariga qayd etib qo'yib, fuqaro so'zini tugatgach qiziqtirgan savolini berishi lozim. O'g'irlik bo'yicha murojaat qiladigan shaxslarning yoshi bo'yicha quyidagi jihatlariga etibor berish kerak:

Kichik yoshdagi (o'smir yoshidagi bolalar). Odatda bolalarda o'ziga tegishli bo'lgan narsa va buyumlar (uyali aloqa vositasi, velosiped va b.) o'g'irlanishi kuzatilib, ichki ishlar organlariga o'tonasi yoki ularning o'rnini bosuvchi shaxslar (qonuniy vakil va b.) hamrohligida kelishadi. Bunday vaziyatlarda bolalarda ko'pincha hodisa to'g'risida ayni haqiqatni aytmaslik, qo'rquv, o'zini aybdor his qilish holatlari kuzatiladi. Bunga amaliy misol qilib quyidagi holatni keltirishimiz mumkin: 2020 yilning iyul oylarida uyali aloqa vositasi yo'qolganligi yuzasidan IIBga keksa yoshdagi bir ayol nabirasini olib keldi. Fuqarolarni qabul qilish xonasiga olib kirib holat yuzasidan so'ralganida ertalab soat 9-10 lar atrofida uning nabirasi uydagi bir bosh sigirni dalada boqib kelish uchun olib chiqib ketganligini, o'rtoqlari bilan birga dalada sigirni o'tlatganini, soat taxminan 13-30 larda uyga qaytib kelib o'zi bilan birga olib ketgan telefon apparati yo'qolganligini aytganligini ma'lum qildi. Bolaning o'zi ham dastlab buvisining so'zlarini tasdiqlab turdi. Biroq bolaga telefon apparati albatta topilishi, lekin bu uchun uning yordami zarurligi, bo'lgan voqealar haqida rostini aytishi kerakligini, bu bilan ichki ishlar organlariga juda katta yordam berishi mumkinligi tushuntirilgach, aslida dalaga emas, suv havzasiga cho'milish uchun borganligini, ust-kiyimi va telefon apparati qarovsiz qolib ketganligini, shu yerda telefon apparati yo'qolganligini, oila a'zolari suv havzasiga borishga ruxsat berishmaganligi uchun bu haqida ularga aytishdan qo'rqqanligini ma'lum qildi. Bunday misollarni ko'plab keltirishimiz mumkin. Shunday vaziyatlarda murojaat qiluvchi shaxs bilan to'g'ri muloqotni yo'lga qo'ya olmaslik, undan holat to'g'risida batafsil ko'rsatma olmaslik tergovga qadar tekshiruv jarayonini qiyinlashtirishga, ortiqcha vaqt olinishiga olib kelishi va tergovga qadar tekshiruv harakatlari noto'g'ri yo'nalish bo'yicha ketishi ehtimoli mavjud.

O'rta yoshdagi (25-45 yosh atrofida). Ushbu yoshdagi shaxslar jinoyat sodir etilganligi haqida xabar topgach, qanday harakat qilishni bilishi (darhol ichki ishlar organlariga xabar berish, hodisa sodir etilgan joyda hech narsaga tegmaslik va b.), o'z fikrini aniq bayon eta olishi, jinoyat oqibatida stress holatiga tushish ehtimoli kamligi bilan boshqa yoshdagi shaxslardan farq qiladi. Biroq bu yosh atrofida shaxslarning e'tiborga olinishi lozim bo'lgan jihatlar mavjud bo'lib, ba'zi hollarda, ularda jinoyat sodir etgan shaxsni huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlarining yordamisiz aniqlash hamda jazolash (samosud)ga bo'lgan moyillik kuchliroq bo'lishi bilan qolgan yosh atrofida shaxslardan farqlanadi. Bunday vaziyatlarda ularga jinoyat uchun javobgarlikning muqarrarliligi, hech kim sudning hukmi bo'lmay turib jinoyat sodir qilishda aybli deb topilishi va qonunga xilof ravishda jazoga torilishi mumkin emasligi tushuntirilib, hatti-harakatlari nazorat qilinadi.

Katta yoshdagi shaxslar. Katta yoshdagi shaxslarda kechadigan fiziologik o'zgarishlar natijasida ba'zan xotiraning susayishi kabi salbiy holatlar kuzatiladi. Ya.M.Fayziev va tibbiyot fanlari doktori E.X.Eshboevlarning fikricha ularda xotiraning eslab qolish, materialni saqlash va uni yodga tushirish yoki reproduksiya kabi funktsiyalarida kamchiliklar kuzatila boshlaydi. [3] Shu sababli ushbu yosh doirasidagi shaxslar bilan muloqot jarayonida arizani qabul qiluvchi xodim quyidagilarni unitmasligi kerak: 1. Keks yoshdagi shaxslar bilan iltifot ko'rsatib salomlashish. 2.



Ularning psixologik xolatini to'g'ri baxolash. 3. Muloqot jarayonida uy muhitiga yaqin psixologik holatni vujudga keltirish. (choy yoki kofe taklif qilish va.b.) 4. Keksa yoshdagi shaxsning so'zlarini oxirigacha eshitib, keyin o'zini qiziqtirgan savollarni berishi, savollari ham xurmatni anglatuvchi oxangda bulishi shart.

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tmoqchimizki, sodir etilgan jinoyatlarga qarshi kurashishda uning sodir etilgan vaqtidan boshlab zudlikda chora-tadbirlar ko'rilishi, bu borada ish uchun ahamiyatli bo'lgan yuqoridagi har bir holatlarga jiddiy e'tibor qaratilishi ushbu o'g'irlik va boshqa turdagi jinoyatlarning issiq izidan aniqlanishiga hamda protsessual harakatlarning to'g'ri olib borilishi uchun o'zining ijobiy samarasini beradi.

ADABIYOTLAR RO'YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. <https://stat.sud.uz/file/2022/12-04/> sayt jinoyat 2022 yil 3 oy.
2. O'zbekiston Respublikasining 2017 yil 11-sentyabr kuni "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi qonuni
3. Fayziev Yangiboy Manobovich, Eshboev Egamberdi Xusanovich F 20 Umumiy va tibbiy psixologiya: Tibbiyot kollejlari uchun darslik.— T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashr, 2003.-16-b.



ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК ИНСТИТУТИ

Уралов Сарваржон Анваржон ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчиси
Тел. +99899 058 51 58

Аннотация. Мақолада жиноят ҳуқуқида дахлдорлик масаласи ва ушбу ҳолатда белгиланадиган жазо чоралари ўрганилган.

Таянч тушунчалар: жиноятга дахлдорлик, қилмишларни, жиноятчиликнинг, таъкомиллаштириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жадал суръатлар билан демократик ҳуқуқий давлатни куриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ислохотлар давом этмоқда. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини янада бойитиш устувор вазифа сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз»¹, деб таъкидлаганларини айтиб ўтиш жоиз.

Ижтимоий фанларнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган юридик фанлар жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиб ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Юридик фанларнинг асосий мақсади ҳам ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларга илмий ва амалий баҳо бериш, янгиланаётган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ҳамда амалиёт учун ҳар томонлама мукамал, асосланган назарий ва амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Ҳозирда мамлакатимизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида жиноят ҳуқуқининг жиноятга дахлдорликни институти билан жиноят қонунчилиги нормаларини тўлақонли қўллашни етарли деб бўлмайди. Буни амалдаги Жиноят кодексидаги жиноятга дахлдорлик институти билан боғлиқ нормаларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан бўшлиқлар мавжудлигида кўришимиз мумкин. Шу сабабли таҳлилларга суянган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу институт суд-тергов амалиётида кам қўлланилмоқда. Бу эса жиноятга дахлдорлик институтининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши билан боғлиқ бир қатор муаммоли масалаларнинг татқиқ этилишини тақозо этади.

Жиноятга дахлдорлик институти билан боғлиқ нормалардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлароқ англаш, аввало унинг тушунчасини очиқ беришни тақозо этади.

Жиноятга дахлдорлик тушунчасини таърифлашда унинг объектив, субъектив ва иштирокчиликдан фарқловчи асосий белгиларини ҳамда унинг шакллари моҳиятидан келиб чиқувчи ҳолатларни инобатга олишимиз лозим.

Демак, юқорида таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, Жиноятга дахлдорлик тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Жиноятга дахлдорлик деганда, жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги, шунингдек уни содир этган шахслар ҳақида аниқ била туриб ҳокимият органларига хабар бермаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят изларини ёки уни содир этган шахсни яшириш, шунингдек жиноятга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича мажбурият юклатилган шахснинг содир этилаётган жиноятларга тўсқинлик қилмаслиги тушунилади.

Жиноятга дахлдорлик институтининг жиноий-ҳуқуқий тартибга солиниши жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим ҳуқуқий механизми эканлиги билан ифодаланади. Жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишларнинг ижтимоий ҳафлилиги жиноят содир этган шахсларнинг жиноят содир этишда иштирок этмаган шахслар ёрдамидан

1 *Мирзиёев.Ш.М.* Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/> (мурожаат қилинган вақт: 22.12.2020).



фойдаланган ҳолда, ўзларига нисбатан қўлланиши лозим бўлган жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларидан қочиши учун имконият яратиб бериши билан изоҳланади.

Шунинг учун жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ қилмишларни жиноийлаштириш ва уларни янада таъкомиллаштириш одил судлов органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бирга, шахс, жамият ва давлат манфаатлари учун хавфли бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва жавобгарликнинг муқаррарлигини тامينлашда муҳим жиноий-ҳуқуқий восита сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда назарий ҳамда амалий жиҳатдан ҳал қилинишни талаб қилувчи бир қатор муаммолар юзага келади. Бундай муаммоларнинг долзарблари қаторида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жиноятга дахлдорликнинг жиноят-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар;

- жиноятга дахлдорликни иштирокчиликдан фарқлаш билан боғлиқ муаммолар;

- унинг шакллари билан боғлиқ бўлган:

Ушбу нуқтаи назардан биз ушбу муаммоларни бартараф қилишга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Жиноят кодекси Умумий қисмида жиноятга дахлдорлик институтини белгилашда унинг тушунчаси ва белгиларини ҳамда унинг шакллари алоҳида нормаларга ажратган ҳолда, мустақкамлаб қўйиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятлар учун Жиноят Кодекси Махсус қисмида жиноий жавобгарлик белгилашда, *биринчидан*, унинг обектини инобатга олишимиз, *иккинчидан*, мазкур институтнинг ишлаш механизми самарадорлигини ошириш учун хизмат қилувчи нормаларни ҳам ишлаб чиқишга эътибор қаратишимиз лозим.



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХАРАКАТИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИДА ТЎҚНАШУВ НУҚТАСИНИ ТЎҒРИ АНИҚЛАШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Рашидов Шавкатбек Равшанбек ўғли

ИИБ Академияси ўқитувчиси

Тел. +99897-784-74-67

Аннотация. Мақолада транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятида тўқнашув нуктасини тўғри аниқлашнинг долзарблиги ҳамда Юртимизда транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш оқибатлари ўрганилган.

Таянч тушунчалар: транспорт воситалари; йўл-транспорт ҳодисалари; пенитенциар модел; автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар.

Бугунги кунда дунёда оғир оқибатларга олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайиб бораётганлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган сўнгги маълумотларга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳар йили 1,25 миллионга яқин инсон ҳаётдан эрта кўз юмади ва 20 миллиондан ортиғи турли даражадаги тан жароҳатлари олишиб, уларнинг кўпчилиги ногирон бўлиб қолмоқда” [1].

Юртимизда сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар сафидан ўрин олганлиги бир томондан ниҳоятда қувонарли бўлса, иккинчи томондан – йўлларда транспорт воситаларининг кўпайиб бораётганлиги натижасида турли йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ортишига олиб келмоқда.

Йўл-транспорт ҳодисасида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан кутилган энг биринчи натижалардан бири бу тўқнашув нуктасини аниқлашдир. Зеро, тўқнашув нуктасини аниқлаш жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни тўғри амалга оширилишини белгилаб беради ва ишнинг сифатида ўз аксини топади. Умумий қилиб айтганда, у жиноят ишининг “тақдири”ни белгилаб берувчи процессуал ва криминалистик ҳаракатлар кетма-кетлигидир.

Автомобиллар тўқнашувида кўздан кечиришнинг муҳим элементларидан бири бўлиб тўқнашув чизиғи ва у содир бўлган бурчакни тўғри аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда тўқнашув чизиғини аниқлаш учун бир қатор техника мавжудлигига қарамай, афсуски, амалиётчи ходимлар мазкур воситалардан самарали фойдаланишмайди. Шунинг таъкидлаш лозимки, мазкур фаолият ўзига хос хусусиятларга эгадир. Йўл транспорт воситаларидан фойдаланиш жиноятларини тергов қилишда риоя қилиш лозим бўлган “қонуният” мавжуд. Бу зарба вақтида фақат битта тўқнашув чизиғи мавжуд бўлишида намоён бўлади. Ушбу чизиқни аниқлаш зарба вақтида транспорт воситаларининг ҳолатини аниқлаш учун зарурдир. Боиси, мазкур чизиқни билган ҳолда, тўқнашув олдидан транспорт воситаларининг йўналишини ва зарбадан кейин уларнинг ҳаракат йўналишини тахмин қилиш, бу эса ўз навбатида, мазкур турдаги очилмаган жиноятлар юзасидан тусмолларни илгари суриш учун асос бўлади.

Бироқ, унинг ҳуқуқий аҳамияти, аниқлаш механизмига ҳанузгача тўлиқ ойдинлик киритилмаган. Бу эса, нафақат жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини самарали амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, балки жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари бузилишига ҳам сабаб бўлиб, йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан тўқнашув нуктасини аниқлаш билан боғлиқ илмий-амалий муаммоларни тизимли тадқиқ қилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бунда, даставвал, тўқнашув нуктаси “институти”нинг ҳуқуқий мақомини ойдинлаштириш зарур.

Бевосита “тўқнашув нуктаси” бу-автомашина билан автомашина, автомашина ва пиёда, автомашина ва механик хусусиятга эга бўлмаган ҳаракатланиш воситалари, бир неча (юк) автомашиналар, автомашина ва тўсиқлар ўртасида амалдаги белгиланган йўл-ҳаракати қоидаларини ўз-ўзига ишонини ёки бепарволик оқибатида ҳайдовчилар томонидан бузилиши натижасида юзага келган урилиш жойидир[2].

Бинобарин, тўқнашув нуктасини аниқлашнинг:

-автотранспорт воситаларининг шинасидан ҳосил бўлган излар механизми бўйича;



-автотранспорт воситасининг тиркамасидаги ёки устида бўлган юкнинг тушиб қолган жойидан келиб чиқиб;

-йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг автомашинадан турли томонларга сачраб кетган жиҳоз ёки ашёларнинг бир-бутунлигини тиклаш орқали;

-тўқнашувдан сўнг транспорт воситаси(лари)нинг тўхтаб қолган жойигача бўлган масофада эркин ҳаракатланган траекториясини реконструкция қилиш орқали;

-транспорт воситаларининг деформацияланган томонини аниқлаш орқали ва ҳ.к каби усуллари ҳам мавжуд бўлиб, М.Улуғбек тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги ТБ томонидан сўнгги 5 йил мобайнида тергов қилиниб тегишли судлов органига юборилган 120 га яқин жинойт ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинганда, аксарият суриштирувчи, терговчилар автотехник экспертиза тайинлаш қарорларида эксперт олдига мазкур жиҳатларни аниқлаш юзасидан саволлар қўйилганлиги қайд этилмаганлиги, бу борада муаммолар мавжудлигини билдиради.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, нотўғри аниқланган тўқнашув нуқтаси айбсиз кишининг айбдор деб топилишига ва жинойт процесси адолатлилик принципининг бузилишига олиб келиши мумкин. Ушбу жараёнга тўғри баҳо бериш эса жинойт процессида фақатгина суриштирувчи, терговчининг ваколатига киритилган. Бу эса, ўз навбатида, улардан етарли зарурий билимга, малакага эга бўлишни, синчковликни, техник ва бошқа воситалардан самарали фойдалани олишликни талаб этади. Бундан ташқари, мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёни ҳодиса содир бўлган жойга автотехник билимларга эга мутахассисларнинг жалб қилиниши лозимлигини тақозо этади.

Кўп ҳолларда, тўқнашув нуқтасини аниқлашда суриштирувчи, терговчи томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинувчи чизмада

-гувоҳ ёки шохидларнинг кўрсатувлари;

-шиша синиклари;

-автомашина “бампер”и остидан тушган тупроқ уюмлари;

-транспорт-воситасининг кузов бўёғи

- транспорт-воситасининг олд капоти остидаги махсус-жиҳозлардан тўкилган суюқликлар белгиланиб, автотехника экспертизасини ўтказиш учун мутахассисга юборилади. Бизнингча, ушбу усул билан тўқнашув нуқтасини аниқлаш ҳар доим ҳам самарали натижа беравермасда, бироқ экспертлар томонидан ҳам суриштирувчи, терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган саволлар юзасидан хулосалар тақдим этиб келмоқдалар. Албатта, эксперт суриштирувчи, терговчи томонидан қарорда белгиланган саволларга жавоб бериш билан бирга жинойт иши материаллари билан танишади, бироқ у ерда ҳам терговчи ҳодиса содир бўлган жойнинг баённомаси ва унга илова қилинган чизмада ўзининг фикрий тўхтамадан келиб чиқиб тўқнашув нуқтасини белгилаганлиги юзага чиқади. Бу эса, фикримизча, эксперт учун тўғри тўхтамга келиш ва тўлиқ хулоса беришда имкониятларни чеклайди.

Бизнингча, бу жараён мантикий жиҳатдан ноўрин ҳисобланади, сабаби суриштирувчи, терговчи тўқнашув нуқтасини тўғри аниқлаш бўйича техник билим ва малакага эга эмаслар. Терговчи ҳуқуқшунос сифатида ҳодисани процессуал жиҳатдан расмийлаштиришни тўғри амалга ошириши мумкин, аммо тўқнашув нуқтасини белгилашда унга фақатгина юридик билимларнинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун тўқнашув нуқтасини аниқлашда терговчига махсус автотехник билимларга эга мутахассиснинг кўмаги даркор. Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда эса ҳар доим ҳам автотехник билимларга эга мутахассислар жалб этилмайди.

Мисол учун, бошқа шохидлар бўлмаган ерда икки нафар ҳайдовчи бошқарувида бўлган транспорт воситалари тўқнашувидан сўнг, улардан бири вафот этса, ёхуд ҳайдовчи йўлда пиёда уриб юбориши натижасида у вафот этган тақдирда ўз-ўзидан йўл-транспорт ҳодисасини содир этган ҳайдовчи яъни манфаатдор шахс ҳодиса шохидига айланади. Кўздан кечириш тергов ҳаракатини амалга ошириш учун чиққан суриштирувчи, терговчи эса тўқнашув нуқтасини айнан шу ҳайдовчининг кўрсатувлари асосида белгилаганлиги ҳолатлари ҳам тергов амалиётида учрамоқда. Бундай ҳолатда шохид ҳайдовчи вазиятни ўзининг фойдасига оғдириб, ҳолатни ноҳолис баён этиши ва жавобгарликдан қутилиб қолишга ҳаракат қилиши мумкин. Мазкур вазиятда, суриштирувчи, терговчи автотехник билимларга эга бўлмасдан, шохид ҳайдовчининг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда



тўқнашув нуқтасини тўғри аниқлаши мумкин эмас, назаримизда. Шу сабабли, мазкур тоифадаги ишлар бўйича бошқа иштирокчилари қатори, кўздан кечиришда экспертнинг иштироки ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўл-транспорт ҳодисалари экспертлар нигоҳида / uz24.uz/society/ygl-transport.
2. Қаранг масалан: *Родионов Ю.В.* Методики экспертного исследования столкновений транспортных средств: монография.— Пенза, 2015. — 188 б.; *Т.Г.Гасанов, М.Р. Гусейнов.* К установлению характеристик динамики процесса столкновения транспортных средств и наезда на препятствие // <https://cyberleninka.ru/article/n/k-ustanovleniyu-harakteristik-dinamiki-protsesta-stolknoveniya-transportnyh-sredstv-i-naezda-na-prepyatstvie>



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ.

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчиси
Маматалиев Илҳом Раҳмат ўғли
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99899-423-71-98

Аннотация. Мақолада жазони ижро этиш муассасаларини жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибаси сифатида фаолият олиб бориши ўрганилган.

Таянч тушунчалар: жазони ижро этиш муассасаси; МДХ; пенитенциар модел; маҳкумларни ахлоқан тузатиш.

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини такомиллаштирмехнат масалалари.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики Жазони ижро этиш ва маҳкумни ахлоқан тузатиш воситаларини қўллаш шахнинг маълум ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этиш ёки уларни чеклаш билан боғлиқ. Бунда жазони ижро этишни таъминлаш, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг самдорлигини ошириш, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузалиши учун шарт-шароитлар яратиш, жазони ижро этиш тизимини инсонпарварлаштириш давлат олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва жазони ижро этиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ этиб бориш ва маҳкумларнинг ахлоқини енгилаштириш шу орқали уларнинг ахлоқан тузалишига эришиш учун жинойт-ижроия қонунчилигини такомиллаштирмехнат лозим. Юқорида олиб борилган тадқиқотимизнинг натижасида олинган фикр, мулоҳазалар ва маълумотларни эътиборга олган ҳолда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига асосланиб, жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатишни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг куйидаги бир нечта асосий йўналмишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи йўналиш – жинойт-ижроия тизимини ривожлантириш. Бунда, аввало, жазони ижро этувчи муассасаларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидан чиқариш назарда тутилади. Чунки Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонда фаолият кўрсатиб, умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларини тан олар экан, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда келгусида жинойт-ижроия тизимини ҳарбий ёки ярим ҳарбий кўринишдаги идоралар томонидан бошқарилишидан воз кечиш талаб қилинади. Масалан, Россия Федерациясида Жазони ижро этиш федерал хизмати – Адлия вазирлиги [1] доирасида, Қозоғистонда Адлия вазирлигига қарашли жинойт-ижроия тизими қўмитаси, Украинада жазони ижро этиш давлат департаменти, Қирғизистонда Адлия вазирлигига қарашли жазони ижро этиш департаменти, Грузияда Жазони ижро этиш вазирлиги ташкил этилганлиги бунинг яққол исботидир.

Иккинчи йўналиш – замонавий жазони ижро этиш муассасалари ёки маҳкумларни ахлоқан тузатиш марказларини ташкил этиш. Бунда маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини самарали қўллашни ташкил этиш учун махсус муассаса ташкил этилади. Бу муассасага махсус малакали мутахассислар жалб қилинади ва улар маҳкумлар билан индивидуал тарзда меҳнат олиб боради. Кўплаб хорижий давлатларда ахлоқ тузатиш марказлари ёки муассасалари фаолият юритади. Бу тажриба МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб 2014 йилда Россия Федерациясида “Жазоларни ижро этиш муассасаларининг ахлоқ тузатиш марказларини ташкил этиш” модели бўйича синов дастури 5 та ЖИЭМда эксперимент ўтказилди. Мазкур тажрибанинг қанчалик муваффақиятли эканлигини қўйида маълумотлардан кўришимиз мумкин.

Эксперимент ЖИЭМ шароитлари ва маҳкумларнинг ҳуқуқига таянган ҳолда ўтказилди. Ахлоқ тузатиш маркази жазони ижро этиш ходимларининг турли соҳадаги мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш борасида янгилик қилди. Марказни ташкиллаштириш учун қўшимча маблағ талаб қилинмади. Марказ ЖИЭМ таркибидаги штатларда ташкил этилди ва



уларнинг ходимлари бевосита маҳкум билан ишловчи ходимлар ташкил этди. Экспериментда иштирок этувчи ЖИЭМларда 24 та марказ ташкил этилди. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш марказлари маҳкумлар билан ишлаш сифатини яхшилашга, уларга профессионал тарзда ёндашишга ёрдам беради. Марказ фаолияти юзасидан ходимлар ўртасида сўров ўтказилганда уларнинг аксарияти марказ фаолиятини ижобий баҳолади. Уларнинг фикрича, марказ ташкил этилгани туфайли маҳкумлар билан ишлаш анча енгиллашди. Мазкур¹ енгиллик фоизда ҳисоблаганда 66,7 % марказ раҳбарларининг фикрича, 66,7 %, тарбиявий меҳнат бўйича ўринбосарларнинг фикрича, 41,2 %, ходимларнинг фикрича, 60,0 % га енгиллашди. Мазкур енгилликнинг сабаблари сифатида қуйидагилар баҳоланди: марказ ходимларининг сонининг ортганлиги; маҳкумлар билан бевосита иш марказда турли соҳалардан жалб қилинган ходимларнинг ортганлиги; муаммоларни оператив тарзда ҳал қилиш ва бошқалар. Марказ раҳбарининг фикрича, 61,9 % маҳкумларнинг ҳуқ-атворида ўзгаришлар сезилди; 38,1 % маҳкумлар ўзгаришсиз қолди, ёмонлашганлик ҳолати аниқланмади. Ўринбосарлар фикрича, 58,8 % да яхшиланганлик, 35,3 % ўзгармеҳнатсиз, 5,9 % маҳкумда ёмонлашганлик ҳолати кузатилди.

Учинчи йўналиш – озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишда режим талабларининг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Режим маҳкумларга ахлоқан тузатишнинг бошқа асосий воситаларини (тарбиявий меҳнат, ижтимоий фойдали меҳнат, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги, жамоатчилик таъсирини) қўллаш учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратади ва озодликдан маҳрум этиш жойларида етарлича тартиб бўлмаса, бу чоралардан бирортаси ҳам самара бермайди. Ушбу тартибга риоя этмеҳнат ёки этмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибат эса озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумнинг сақлаш шароитини енгиллаштириши ёки оғирлаштириши ва айни вақтда, унинг ҳуқуқий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим талаблари самарадорлигини оширмеҳнат мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1) жазони ижро этиш муассасаси ходимларини, айниқса тартибот ва қўриқлаш хизмати ходимларининг назарий-ҳуқуқий билимларини ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш ²

2) маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишлари самарадорлик жиҳатларини текшириш ва тез тез ислох қилиш сифатини юқори савияда ташкил этиш

3) жазони ижро этиш муассасаси вакиллари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дин меҳнатлар бўйича қўмита, Тошкент Ислон университети, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилот, маҳаллий ҳокимият, нодавлат ташкилот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам равишда очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ва маърузалар ташкил этиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

Тўртинчи йўналиш– озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишда ижтимоий фойдали меҳнатнинг роли ва аҳамиятини ошириш ва меҳнатлаб чиқариш тизими доирасини кенгайтириш талаб тилади.

В.А.Елеонский томонидан ўтказилган тадқиқотларда сўровга жалб этилган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган умумий маҳкумларнинг 94 фоизи ахлоқан тузатиш чораларининг у ёки бу турини маълум даржада самарали таъсир этмеҳнатлигини эътироф этишган. Айни пайтда жавоб берганларнинг 73 фоизи ижтимоий фойдали меҳнат таъсирини биринчи ўринда туришини қайд этган. И.У.Исмаилов ва Ч.А.Саттаровлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда 72,2 % маҳкумлар меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, маъмурият томонидан берилган ишлаб чиқариш топшириқлари ва меҳнат нормаларини бажарувчилар, 18,7 % меҳнат нормаларини бажармайдиганлар, 7,9 % ижтимоий фойдали меҳнатдан ҳам ошқора, ҳам яширин тарзда бўйин товловчилар бўлиб, улар орасида меҳнатга яроқли 30 ёшгача бўлган маҳкумлар ҳиссаси бошқа ёшдаги маҳкумларга нисбатан бир неча

1 НИЁЗОВА С., ХОЖИЕВ Н. МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 112.

2 НИЁЗОВА С., ХОЖИЕВ Н. МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 113.



баробар юқори эканлиги қайд этилган.¹

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда жами маҳкумларни ижтимоий меҳнатга жалб қилмеҳнат бўйича умумий кўрсаткич ўртача 70-75 %ни ташкил қилади. Шу хорижий тажрибага мувофиқ юртимизда ҳам ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш масадга мувофиқдир.

Биринчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумлар учун етарли ва энг керакли меҳнат ўринларини яратиш лозим. Бунда маҳкум жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳам шу соҳада меҳнат фаолиятини амалга оширмеҳнат имконияти назарда тутилиши керак. Масалан, Германия тажрибасидан шу нарсани билса бўладики, бошқа соҳаларда бўлгани каби жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишда узокни кўзлаб меҳнат тугилади. Жумладан, маҳкумлар атом реактори пайвандчиси, автомат линияларини созловчи каби юқори малакали ихтисосликларга ўқитилади ва бундан кўзланган асосий мақсад маҳкум озодликка чиққанидан сўнг юксак технологияларга асосланган меҳнатлаб чиқармеҳнат корхоналарида бемалол ишлаб кетиши лозим. Шунинг учун ҳам Германиядаги жазони ижро этиш муассасалари амалда юксак малакали хунармандларни таёрлаб берувчи маскан жой ҳисобланади ва бу нарса немис мутахассисларининг такидлашича ича рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш имкониятини кўпайтиради. Бундан ташқари, турма маъмурияти меҳнат биржалари билан яқиндан ҳамкорликда бўлиб, меҳнат бозорида қандай мутахассисларга эҳтиёж катта бўлаётганлиги, келгусида қайси соҳаларда малакали иш кучи зарурати борлиги ва шу каби бошқа масалаларни чуқур ўрганади ва таҳлил қилиб боради.

Иккинчидан, маҳкумлар томонидан меҳнатлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган сифатли ва рақобатбардошлигини ошириш лозим бўлади. Маълумотларга қараганда, жазони ижро этиш муассасаларида халқ истеъмоли учун тайёрланаётгандан ортиқ турдаги барча маҳсулотларнинг сифатини ҳам бундай талабга жавоб беради деб бўлмайди.

Учинчидан, маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ миқдорларини ошириш орқали уларнинг моддий манфаатдорлигини тўла рағбатлантирадиган даражага етказиш лозим. Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда ҳар битта маҳкумнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи энг кам меҳнат ҳақи миқдорининг тахминан бир ярим баравари миқдорини ташкил этмоқда. Бу миқдор эса маҳкумни, ҳатто ўзининг моддий эҳтиёжларини ҳам қондира олмайди. Агар маҳкумнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш жорий қилинса, маҳкум нафақат ўзи, балки оила аъзоларига ҳам моддий ёрдам бериш имкониятига эга бўлса, бу уни меҳнат самарадорлигини оширишнинг энг яхши усули ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

Ниёзова С., Ҳожиёев Н. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 111

Таджибаева Д.А. Ички ишлар органлари жазони ижро этиш хизмати фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.–496 б.

¹ Таджибаева Д.А. Ички ишлар органлари жазони ижро этиш хизмати фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020.–496 б.



ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ ЙЎЛ ХАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР.

Рашидов Шавкатбек Равшанбек ўғли

ИИБ Академияси ўқитувчиси

Тел. +99897-784-74-67

Аннотация. Мақолада транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятида тўқнашув нуқтасини тўғри аниқлашнинг долзарблиги ҳақида ўрганилган.

Таянч тушунчалар: транспорт воситалари; йўл-транспорт ҳодисалари; пенитенциар модел; автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар.

Барчамизга маълумки, мустақиллик йилларидан то ҳозирги кунга қадар республикаимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқлари жадал ривожланиб, халқимизнинг фаровон яшаши, давлатимизнинг обод бўлиб, янада ривожланиши учун улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу ўринда автомобиль транспортлари ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ўз навбатида Ўзбекистоннинг жаҳондаги автомобиль саноатида етакчи давлатлар сафидан ўрин олишига хизмат қилганлигини таъкидлашимиз жоиз. Хусусан, 2020 йил мобайнида 280 080 дона енгил автомобиллар (ўсиш суръати +217,7%), 642 дона автобуслар (ўсиш суръати -29,3%), 4 163 дона юк машиналари (ўсиш суръати +30,1%), 673 дона тракторлар (ўсиш суръати -6,5%), ва 41 дона махсус транспорт воситалари ишлаб чиқарилди[1].

Республикаимизда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари нафақат экспорт товар сифатида аҳамиятли бўлиб, балки ватандошларимизнинг уларга бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бораётганлиги жиҳатидан ҳам муҳимдир. Лекин республикаимиз йўлларида транспорт воситаларининг кўпайганлиги, транспорт воситалари ҳаракатининг жадаллиги ошганлиги ўз навбатида, ўзига хос муайян масалаларнинг ечимини талаб этади. Гарчи бунинг олдини олиш мақсадида барча шаҳар ва вилоятларимизда эски йўллар қайта таъмирланиб, транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилар учун анча қулайликлар яратилиб, транспорт воситалари ҳаракатланаётган йўлларнинг сифатини ошириш борасида кўпгина амалий ишлар олиб борилаётган, йўловчиларнинг манзилига соғ-саломат етиб боришлари, йўлда керакли шарт-шароитларга эга бўлишлари мақсадида ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан бир қатор ижобий ва аниқ чора-тадбирлар кўрилаётган бўлса-да, бу борада ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳамон мавжуд.

Бу масала жиддий эътибор ҳамда мавжуд муаммолар ечимини талаб қилганлиги боис давлатимиз раҳбари, Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йилнинг 11 февраль куни “Йўлларда инсон ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари” юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президентимиз йиғилиш аввалида “Бу масалани охириги беш йилда бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмаган. Бу соҳа бўйича қонунлар, ишлар мутлақо қониқарсиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўлаяпти” дея жиддий эътироз билдирдилар.

Бу ўринли эътироз, чунки мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган. Ушбу йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши оқибатида 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган, шундан 263 нафари болалар эканлиги жудаям ачинарли ҳолат[2].

Шунингдек таҳлилларга кўра, йўллардаги содир этилаётган транспорт ҳодисаларининг 25 фоизи йўл ҳолати ёмонлиги ва инфратузилмаси оқилона ташкил этилмагани, ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларини қасдан менсимаслиги ва тажрибасизлиги, пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики транспорт воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида давлат, жамият ва шахс манфаатларига моддий зарар етказилади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади, экологик, мулкӣ ва бошқа зарарлар келиб чиқади. Йўлларда ҳар қандай ҳайдовчига транспорт воситасини бошқаришда салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш



ҳозирги кунда долзарб муаммодир.

Бундай муаммоларни бартараф этиш бевосита инсонлар ўлими, уларга етказиладиган турли даражадаги тан жароҳатлари ҳамда мулкий зарарларни олдини олган бўларди. Шу мақсадда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид замон талабларига мос ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда, мавжудлари эса ўзгартиш ва қўшимчалар билан тўлдирилмоқда.

Бунга ёрқин мисол сифатида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 16-мақсад доирасида “йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш” [3] бўйича вазифалар ҳам белгилаб қўйилганлигини келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда айтишимиз жоизки мамлакатимизда янги ислохотлар жорий қилишдан аввал ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланамиз. Шу мақсадда хорижий мамлакатлар миллий қонунчилигида йўл ҳаракати хавфсизлигини самарали таъминлашга қаратилган турли нормаларни ўрганишимиз лозим. Масалан Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликни бузган шахслар фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий, жиноий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилиши мумкин. Қозоғистон Республикаси, Германия, Франция ва Россия Федерацияси қонунчилигига кўра эса полиция ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмаганлик, уларга жисмоний қаршилик кўрсатганлик ёки жисмоний куч ишлатганлик учун жиноий жавобгарлик турлари, Швеция Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ умумий фойдаланишдаги йўлларда велосипедлар ва пиёдалар учун алоҳида йўлакча бўлиши кераклиги белгиланганлигини кўришимиз мумкин[4].

Юқорида келтирилган мамлакатлар тажрибасидан кўриниб турибдики йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда барча йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишимиз, шунингдек жазо чораларини ҳам такомиллаштиришимиз лозим. Шундагина йўл ҳаракатини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлиги оширамиз, кўзланган мақсадларга эришамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мушарраф, М. А. 5 йил ичида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши таҳлил қилинди / М. А. Мушарраф. — матн : электрон// : [веб-сайт]. — URL: <https://yuz.uz> (электрон манбага мурожаат: 27.05.2022).

2. Мирзиёев Ш.М. “Йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари” . <https://president.uz>.-Тошкент, 2022 й.

3. 2022-2026 йиларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси/ 2022. - Матн: электрон // ҳуқуқий Миллий маълумотлар базаси: [веб-сайт]. - урл: <https://lex.uz/uz/docs/5841063> (мурожаат санаси: 27.05.2022).

4. Ф. Отахонов. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Тошкент. 2022 йил.



**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МАҲКУМЛАРНИ
ОЗОДЛИККА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ.**

Қушбоқов Шохрух Хасан ўғли
ИИВ Академияси ўқитувчиси
Ахрор Авазов
ИИВ Академияси курсанти
Тел. +99890-133-67-31

Аннотация. Мақолада жазони ижро этиш муассасаларини маҳкумларни озодликка тайёрлаш ва уларни жазони ўтаб бўлгандан сўнг иш билан таъминлаш борасида ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ва қонунчиликдаги тарифлар асосида таҳлил қилиниб кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: жазони ижро этиш муассасаси; маҳкум; тараққиёт стратегияси; дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда ушбу ташкилотлар, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда фондлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ижтимоий шериклик асосида аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда давлат идораларига кўмакдош бўлиб, жамоатчилик назоратини муваффақиятли амалга оширяпти[1].

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонинг 14-мақсади (Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш)нинг биринчи хатбошисида. Маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш[2] масаласи назарда тутилган.

Жиноят-ижроия қонунчилигини унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини кенгайтириш, турлича талқин қилинадиган ёки коррупциянинг юзага келишига йўл қўядиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш, шунингдек қонун нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиётига тўлиқ ўтиш ва бошқа шу каби концепцияда белгиланган вазифаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар ўзларига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, сидқидилдан бажарсалар, концепцияни амалга оширишдан кўзланган натижаларда қайд этилган маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, шаъни ва қадрқиммати ҳурмат қилинишини таъминлашнинг ишончли, самарали механизмларини яратиш; жиноят-ижроия тизими фаолиятининг шаффофлиги, ошқоралигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш; маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг иштироки институтини кучайтириш; жазони ижро этиш тизими фаолиятига замонавий шакл ва усулларни ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби мақсадларга эришиш мумкин бўлади[3].

Фуқаролик жамияти институтлари маҳкумлар билан ишлаш жараёни тартибга солинган бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-625-сонли қонуни билан Жазони ижро этиш муассасалари қошида Интизомий камиссия ташкил этилиб ушбу камиссиянинг тенг ярми фуқаролик жамияти институтилари вакиллари билан тайинланадиган бўлди.

Шундай бўлсада маҳкумларни озодликка тайёрлашда фуқаролик жамияти институти вакиллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Ушбу вазифа ЖИЭМ маъмурияти



маҳкумнинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг ЖИЭМдан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради. Бунда ЖИЭМ маъмурияти томонидан маҳкум билан унинг ишга кириши ва турмушини йўлга қўйиши юзасидан суҳбат ўтказилади[4].

Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда ЖИЭМ маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади ҳамда ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга эҳтиёжи бўлган маҳкумлар ҳисоби алоҳида дафтарда юритилади.

Фуқаролик жамияти институтлари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳамкорлиги бўйича қуйидаги таклифларни бериш жоиз деб топдик. Улар қуйидагилар:

биринчидан, маҳкумларни озодликка тайёрлашда фуқаролик жамияти институтлари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳамкорлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан йўлга қўйилмаган.

иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари маҳкумларни ишга жойлашда ўз ўрнига эга бўлиши зарур.

учинчидан, фуқаролик жамияти институти энг қуйи бўғини ўзини ўзи бошқариш органи раиси маҳкумларни “темир дафтар” “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га озодликка чиққан маҳкумларни иш билан таъминлашга масъул қилишса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. [old.xs.uz>index.php/homepage...fuqarolik-jamiyati](http://old.xs.uz/index.php/homepage...fuqarolik-jamiyati).
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 01.07.2020 й., 03/20/625/1007-сон.
3. А.А.Шодиев. Ўзбекистонда ислохотлар даврида маҳкумлар ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши. ИИВ Академияси ахборотномаси 2021 1-сон.pdf.
4. 2495-сон 29.07.2013. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида (lex.uz)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000